VATAN TUYG‘USI HAR NARSADAN USTUN

O‘ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

# MILLIY TIKLANISH

38 (307) ● 2014 йил 1 октябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Таҳририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Устозларимиз меҳр билан тарбиялаётган ёшлар замонавий билимга эга бўлмоқда. Энг муҳими, фарзандларимиз онгида ўзига, келажакка ишонч туйғуси пайдо бўлиб, амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга нисбатан дахлдорлик ҳисси шаклланди



4 ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ

Жамият тараққиётидаги ҳар қандай ўзгаришлар, янгиликлар, айниқса, инсоният ривожига катта туртки берадиган жараёнлар, кашфиётлар ўз-ўзидан юз бермайди. Бунинг учун, аввало, асрий анъаналар, тафаккур мактаби, маданий-маънавий муҳит мавжуд бўлмоғи керак



5 МАЪНАВИЯТ

Юртимиз бой тарихи, жаҳон тамаддуни ва илм-фани ривожига қўшган беқиёс ҳиссаси, кўҳна тарихий-меъморий, маданий ёдгорликлари ва бутун дунё тан олган алломалари, меҳмондўст халқи билан жаҳон ҳамжамиятини ўзига қаратиб келмоқда



8 КЎЗГУ

# ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Муҳтарам устоз ва мураббийлар!

Аввало, сизларни умумхалқ байрами — Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан самимий табриклаб, барча-барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Бугун биз мана шу қутлуғ айёмни кенг нишонлар эканмиз, сиз, азизларнинг болаларимиз, ёш авлодимизга билим ва тарбия беришдек ўта мураккаб, ўз касбига меҳр ва садоқатни, бутун борлиғини бағишлашни, фидойиликни талаб этадиган шарафли меҳнатингиз учун сиз, муҳтарам муаллимлар зоти олдида барчамиз чин қалбимиздан, юрагимиздан сизларга миннатдорлик билдиришни ўз бурчимиз деб биламиз.

Айни шу фикрларни, яъни фарзандларимизни камол топтириш, уларга илму фан сирларини ўргатишдек ғоят масъулиятли ишни адо этиб келаётган инсонларнинг ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайдиган олижаноб меҳнатини инобатга олиб, бундан 18 йил муқаддам Ўқитувчи ва мураббийлар кунини таъсис этганимиз ва уни умумхалқ байрами даражасига кўтарганимиз жамоатчилигимиз, бутун халқимизнинг хоҳиши ва интилишини ўзида мужассам этади, десам, ўйлайманки, ҳақиқатни айтган бўламан.

Азиз устозлар, муаллимлар!

Дунёда "ўзбек модели" деб тан олинган, мамлакатимиз миллий тараққиёт стратегиясининг ажралмас қисми бўлган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ўз вақтида қабул қилиб, амалга оширганимиз янги ҳаёт, янги жамият қуришда энг кучли, айтиш мумкинки, энг қудратли омил бўлиб, нафақат таълим соҳасини, балки одамларимизнинг дунёқарашини, бутун ҳаётимизни тубдан ўзгартириб юборгани ҳақида бугун ҳар қанча ғурурланиб, фахрланиб гапирсак, арзийди, албатта.

Биз ўз олдимизга қўйган эзгу мақсадларга эришиш йўлида, жумладан, энг мураккаб, шу билан бирга, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган таълим-тарбия соҳасида ғоят муҳим масалани ечишда, яъни, биз бошлаган ишларни давом эттирадиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаган, янгиликка интилиб яшайдиган, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ёш авлодни тарбиялаш борасида ҳақиқатан ҳам қийин ва машаққатли йўлни босиб ўтганимиз, аввал тажрибамизда мутлақо кўрмаган марраларни забт этишга қандай катта меҳнатимиз сингганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Таълим соҳасидаги ноёб дастурларимизнинг ижроси қанча куч ва имконият, қанча маблағни талаб қилгани — бу ўз йўли билан, лекин мана шундай улкан ва улуғвор ишларни амалга оширишда айнан сизлар ўзингизни аямасдан, сидқидилдан меҳнат қилганингиз ҳисобидан биз юртимизда бу соҳада туб бурилиш ва ўзгаришларга ҳам назарий, ҳам амалий пойдевор яратдик.

Қанча-қанча янги таълим стандартлари, ўқув дастурлари, қўлланма ва дарсликларни ишлаб чиқиб, амалда жорий этиш, уларни ҳар бир ўқувчи, ҳар бир талабанинг онгу шуурига сингдириш учун бутун соҳа ходимлари, сиз, ҳурматли муаллим ва устозлар бу мактабдан аввало ўзингиз ўтганингиз, беминнат хизмат қилиб келаётганингизни ҳақиқий фидойилик намунаси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Мамлакатимиз, давлатимиз учун ҳал қилувчи мураккаб бир даврда сизлар билан бирга таълим соҳасини тубдан ўзгартириб, замон талаб қилаётган даражага кўтаришга эришганимизни кўз ўнгимиздан ўтказар эканмиз, бу йўлда сиз, азизларнинг қандай қийин бўлмасин, қатъиятлик ва фидойилик кўрсатганингизни, бу буюк мақсад учун белни маҳкам боғлаб меҳнат қилганингизни мен чинакам жасорат деб баҳолайман ва мана шундай олижаноб фазилатларингиз учун барча-барчангизга таъзим қиламан.

Қадрли ватандошлар!

Ҳар бир инсон, ҳар бир ота-онанинг эзгу орзуси бўлмиш соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, шу мақсадда минглаб замонавий ўқув масканлари, болалар спорти иншоотларини барпо этганимиз, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига жорий этиш бўйича амалга оширилган кенг кўламли ишлар, соҳа ходимларининг меҳнатини муносиб қадрлаш, моддий ва маънавий рағбатлантиришга қаратилган самарали тизим ишлаб чиқиб, амалда татбиқ этганимиз ва бошқа кўпгина чора-тадбирлар бугун ўз ижобий натижасини бермоқда. Хусусан, биргина сўнгги беш йилда ойлик иш ҳақи халқ таълими муассасаларида 2,9 баробар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида қарийб 4 марта, олий таълим соҳасида 3,6 карра оширилгани, минглаб устоз ва мураббийлар, профессор-ўқитувчиларимиз Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирлангани ҳам ана шундан далолат беради.

Ҳурматли дўстлар!

Барчамизга аёнки, бугунги глобал интеграциялашув шароитида, кундалик ҳаётимизга компьютер технологиялари ва Интернет тизими жадал кириб келаётган бир пайтда хорижий тилларни ҳар томонлама пухта эгалламасдан туриб, жаҳон ҳамжамияти билан ҳамқадам бўлиб яшашни тасаввур этиб бўлмайди.

Айни шу мақсадда мамлакатимизда ўтган йилдан эътиборан умумтаълим мактабларининг 1-синфидан бошлаб чет тилларни ўқитишнинг узлуксиз тизими жорий қилингани янги амалий қадам бўлди. Бу соҳада ишни тўғри ташкил этиш, кутилган самарага эришиш учун аввало мавжуд ўқув-методик базани мустаҳкамлаш, дастур ва қўлланмаларни янада такомиллаштириш, педагог ходимларнинг билим ва малакасини ошириш зарурлиги ҳақида ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Шу билан бирга, таълим масканларида "Ziyonet" тармоғи ёрдамида ўқув-тарбия жараёнларини бугунги тараққиёт, миллий ва умумбашарий тафаккур ютуқлари билан узвий боғлиқ равишда олиб бориш, Мультимедиали умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази фаолиятини кучайтириш, ўқув адабиёти ва қўлланмалари электрон турларининг илмий-услубий савиясини юксалтириш муҳим вазифамиздир.

Айни шу йўналишдаги ишларимизнинг узвий давоми сифатида жорий йилда Жанубий Кореянинг дунёда ном қозонган нуфузли Инха университетининг Тошкент филиалини, шунингдек, таълим соҳаси билан боғлиқ бўлган янги ўқув ва малака ошириш марказларини ташкил этганимиз ёшларимиз учун янги имконият ва янги уфқлар очиб бериши муқаррар.

Бугунги кунда дунёда, ён-атрофимизда қарама-қаршилик ва зиддиятлар кўпайиб, инсон қалби ва онгини эгаллаш, биринчи навбатда, ёшларнинг маънавий оламини издан чиқариш, уларни ўз ота-онасига, эл-юртига қарши қўйишга қаратилган таҳдид ва хуружлар кучайиб бораётган мураккаб ва таҳликали замонда ўзининг кимлигини, қандай буюк зотларнинг авлоди, қандай бебаҳо мерос ворислари эканини теран англаб, она юртга муҳаббат ва садоқат ҳисси билан яшайдиган ёш авлодгина муқаддас заминимизни ёт ва бегона таъсирлардан, бало-қазолардан сақлашга, Ватанимизни ҳар томонлама равнақ топтиришга қодир бўлади.

Бу ҳақда гапирганда, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳитини кўз қорачиғидек асрашда, авваламбор, болаларимизни мустақил фикрга эга бўлиб, оқни қорадан ажратишга қурби етадиган инсонлар этиб, бир сўз билан айтганда, ёшларимизнинг иродасини мустаҳкам ва бақувват қилиб тарбиялашда сиз, муҳтарам ўқитувчи ва мураббийлар бундан буён ҳам куч-ғайратингиз, билим ва тажрибангизни аямайсиз, деб ишонаман.

Азизларим, қадрдонларим!

Давлатимиз, жамиятимиз сизларнинг Ватанимиз тараққиётига қўшаётган катта ҳиссангизни, масъулиятли фаолиятингизни юксак баҳолайди ва қадрлайди. Бу масала келгусида ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлиб қолади, деб ишонтириб айтмоқчиман.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларни қутлуғ байрамингиз билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, оилаларингизга бахту саодат, эзгу ишларингизда янги ютуқ ва омадлар тилайман.

Ҳеч қачон кам бўлманг, умрингиздан барака топинг, азиз ва меҳрибон устозлар!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

⊙ 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни

# Маърифат фидойиларига эҳтиром

**"Туркистон" саройида Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди**

***Мамлакатимизда жисмонан соғлом, маънан етук, ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлодни вояга етказишдек эзгу мақсад йўлида ҳалол ва фидокорона меҳнат қилаётган ўқитувчи ва мураббийлар халқимиз ардоғида. Бир неча йилдан буён юртимизда 1 октябрь Ўқитувчи ва мураббийлар куни сифатида кенг нишонланаётгани масъулиятли ва шарафли касб эгаларининг обрў-эътибори янада юксалиб, меҳнати қадр топаётганининг ёрқин ифодасидир.***

Таълим соҳаси раҳбарлари, фаол ўқитувчи ва мураббийлар 30 сентябрь куни пойтахтимиздаги ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бунёд этилган замонавий иншоотлар, таълим, маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш муассасалари фаолияти билан танишди.

Шу куни "Туркистон" саройида Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан бўлиб ўтган тантанали тадбирда мамлакатимиздаги умумтаълим мактаблари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари ўқитувчилари, мураббийлар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ баркамол авлодни тарбиялаш, малакали кадрлар тайёрлашнинг муҳим воситаси сифатида таълим соҳасини тубдан ислоҳ этишга алоҳида эътибор қаратилди.

2-бет

⊙ Пленум

# ЎзМТДП сайловларда муносиб иштирок этади











***Пойтахтимизда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгашининг навбатдаги Пленуми бўлиб ўтди. Унда ЎзМТДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони масъул ходимлари, ҳудудий партия ташкилотлари раҳбарлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари аъзолари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.***

Пленумда жорий йил декабрь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик масаласи муҳокама этилди.

Пленумда таъкидланганидек, мамлакатимизда демократик ислоҳотларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши ва фуқаролик жамиятининг ривожланиб бориши, сайлов жараёнларини тартибга солувчи нормаларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчаларнинг киритилгани сиёсий партиялар ўртасидаги соғлом рақобат муҳитининг шаклланиши ҳамда ижтимоий-сиёсий жараёнларда фуқароларнинг фаол иштирок этишига замин яратмоқда. Сайлов қонунчилигимизга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар сайлов эркинлиги принципини тўла рўёбга чиқариш, сайловолди тарғиботини ўтказиш давомида депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар учун тенг шароит яратиш, сайловлар очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш ҳамда вакиллик органларига муносиб номзодларнинг сайланишида муҳим аҳамият касб этади.

2-бет



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



Пленум

# ЎзМТДП сайловларда муносиб иштирок этади



Низомиддин БОЗОРОВ олган суратлар

(Давоми.
Бошланиши 1-бетда)

Зеро, қонунда белгиланган тартиб ва меъёрлар демократик тамойиллар ва сайлов жараёнида муносиб депутатликка номзодларни сайлашда қонуний асос бўлиб хизмат қилади.

— Давлатимиз раҳбари томонидан парламент палаталарининг қўшма мажлисида тақдим этилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да сайлов эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини такомиллаштириш бўйича илгари сурилган қонунчилик ташаббуслари, шубҳасиз, сайлов жараёнларини янада эркинлаштиришда муҳим омил бўлди, - деди партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Сарвар Отамуратов. — Барчамизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси жорий йил 15 сентябрдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампаниясини эълон қилди. Сайлов бу, энг аввало, халқимизнинг давлат ҳокимияти органларида ўз вакиллари орқали бошқарувда иштирок этишдек Конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш ҳамда мамлакатимиздаги демократик жараёнларнинг ёрқин кўзгусидир. Ана шундай масъулиятли, муҳим сиёсий аҳамиятга эга бўлган сайлов кампаниясида муносиб иштирок этиш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг асосий мақсадидир.

Шунингдек, пленумда партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев маъруза қилиб, ЎзМТДП Уставидан келиб чиққан ҳолда партия Ижроия Қўмитаси йиғилишида жорий йил декабрь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларда иштирок этиш юзасидан қарор қабул қилинганини таъкидлади. Айни дамда маҳаллий партия ташкилотларида имзо тўплаш жараёни ниҳоясига етказилаётгани, бу жараёнда партия хайрихоҳлари фаол иштирок этаётганига эътибор қаратди.

Пленумда шунингдек, партия Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туман ва шаҳар партия ташкилотларининг 2009 йилги сайловдан 2014 йилдаги сайловгача бўлган даврдаги фаолияти сарҳисобига бағишланган Конференциялари ва Съездни ўтказиш масаласи кўриб чиқилди. Бу хусусида ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари, партия фракцияси раҳбари Улуғбек Муҳаммадиев сўзга чиқди. Нотиқ ўз сўзида конференцияларда ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларини амалга оширишда ЎзМТДП ташкилотларининг иштироки ҳамда жорий йилнинг 21 декабрида бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларда фаол иштирок этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади.

Шу билан бирга, Пленумда ЎзМТДПнинг Уставига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар, сайловолди Платформаси лойиҳаси муҳокама этилди.

Пленумда партиянинг сайловларда муносиб иштирок этишини таъминлаш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди ҳамда тегишли қарорлар қабул қилинди.

## Сўз — пленум иштирокчиларига:

**Бекзод СОДИҚОВ,
ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони ходими:**



— Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловлар аввалги сайловлардан тубдан фарқ қилади. Чунки бугунги сайловчининг сиёсий даражаси, онг-тафаккури юксалди. 2010 йил парламент палаталари қўшма мажлисида Президентимиз томонидан илгари сурилган Концепция асосида қабул қилинган қонунлар, айниқса, миллий сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишлар мамлакатимизда демократик янгиланишларни янада чуқурлаштириб, фуқаролик жамияти институтлари ҳуқуқий базасини мустаҳкамлади.

Сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва роли кучайди. Сайловчиларнинг сиёсий партияларга нисбатан муносабати ўзгарди. Мамлакатимиз ва жамиятимиз ҳаётида содир бўлган ана шу ижобий ўзгаришларни ҳисобга олиб "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам сайловга пухта тайёргарлик билан келди.

Бугунги Пленумда асосан бўлғуси сайловга тайёргарлик кўриш масаласи муҳокама қилинди, ўтган фаолиятимиз танқидий таҳлил этилди, фаолиятимиздаги камчиликлар ва уни бартараф этиш йўллари белгиланди.

**Нодира БАКИРОВА,
партия фаоли:**



— Маълумки мамлакатимизда 15 сентябрдан Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинди. ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси ўзининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида партиянинг сайловда иштирок этиши тўғрисида қарор қабул қилди. Бугунги пленумда мазкур масала атрофлича муҳокама қилинди.

Пленумда таъкидланганидек, ўтган муддат ичида партиямизнинг обрў-эътибори ҳар томонлама мустаҳкамланди. Партия ташкилотларининг тарғибот тадбирлари, депутатларимизнинг амалий ишлари кучайтирилди, партиянинг ижтимоий қатлами ва электорати шаклланди, тарафдорларимиз сони кўпайди.

Бугунги кунда сайловда иштирок этиш учун имзо йиғиш жараёни ниҳоясига етмоқда. Партиямиз нуфузи, ғоя ва мақсадлари, мафкураси жамоатчилик ўртасида кенг тарқалганлиги имзо йиғиш жараёнида яққол акс этди. Имзо йиғиш биз учун ҳеч қандай қийинчилик туғдирмаяпти. Чунки имзо қўювчиларнинг аксариятини партия тарафдорлари ва электоратимиз ташкил этмоқда. Сайловолди тадбирларимизда электоратимиз ва тарафдорларимиз сафини янада кенгайтириш асосий вазифамиздир.

**Шоҳида ДАМАНОВА,
"Milliy tiklanish" газетаси бўлим мудири:**



— "Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас". Давлатимиз раҳбарининг ўзликни англаш ҳақидаги ушбу фикрлари айнан бизнинг Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг дастурий мақсад ва вазифалари билан чамбарчас боғлиқ. Партиямиз мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилишни, маънавий қадриятларимизни, халқимизнинг урф-одатлари ва анъаналарини, бой тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва бойитишни, миллий тикланиш ғоясини кенг тарғиб қилиш ва аҳоли онгига сингдиришни, ушбу ғоя асосида халқни Ватан тараққиётига, демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришга қаратилган яратувчанлик ва ижодкорлик фаолиятига сафарбар этишни ўзининг асосий мақсадлари деб билади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентимиз мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзларида халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган "бағрикенглик", "меҳр-оқибат", "меҳмондўстлик", "ўзаро ҳамкорлик" каби азалий қадриятларни яна бир бор тилга олиб, юртимиз истиқлол йилларида эришган барча ютуқ ва марралар замирида халқимизнинг мана шу эзгу фазилатлари мужассамлигини таъкидладилар. Бугунги пленумда халқимиз маънавий дунёсининг ажралмас қисмига айланиб бораётган азалий қадриятлар партия дастурий ҳужжатларида акс этаётганлиги алоҳида таъкидланди. Чунки дунёда глобаллашув жараёнлари авж олиб бораётган, миллий манфаатлар ва маънавият учун кескин кураш кетаётган бир пайтда мамлакатимиз миллий қадриятларини асраб-авайлаш ва келажак авлодга ўз ҳолича етказиш муҳим ва долзарб масала бўлиб қолмоқда. Бу муҳим вазифани амалга оширишда партиямиз бор куч ва имкониятларини сафарбар этишга интилмоқда.

Партиямиз сайловларга тайёргарлик кўрар экан, партия мафкурасини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштириш, "тарих ва келажакни узвий боғлаш, шонли ўтмиш ва буюк истиқбол ўртасида кўприк бўлиш" вазифасини амалга оширишга бел боғлаган. Бугунги пленумда айни шу масалалар муҳокама қилинди.

**Ўз мухбирларимиз**

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни

# Маърифат фидойиларига эҳтиром

**"Туркистон" саройида Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди**

(Давоми.
Бошланиши 1-бетда)

"Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларнинг ҳаётга кенг жорий этилиши, бу борада амалга оширилган эзгу чора-тадбирлар кўлами ва мазмун-моҳияти билан мамлакатимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган ва кам бўлмайдиган навқирон авлодни вояга етказиш учун мустаҳкам замин яратди.

Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури асосида мамлакатимиздаги умумтаълим мактабларининг деярли барчаси капитал реконструкция қилиниб, замонавий андозалар асосида юзлаб янги мактаблар қурилди. Мактабгача таълим муассасалари, махсус мактаб-интернатлар, "Баркамол авлод" болалар марказлари, спорт, мусиқа ва санъат мактаблари, педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, уларнинг фаолияти давр руҳига мос тарзда йўлга қўйилди.

Бугунги кунда таълим ахборот-коммуникация технологиялари ва масофали таълим асосида ривожланмоқда. Бу инновацион жараёнда фаол иштирок этишни тақозо этаётир. Шу боис аввало ўқитувчини илғор педагогик технологиялар ва интерфаол усуллардан унумли фойдаланадиган ижодкор-устоз даражасига кўтаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки бугунги ўқувчига янги фикр, янги маълумот, янги услуб керак.

Ўқитувчиларнинг малака ва маҳоратини ошириш, самарали меҳнат қилиши учун барча шароит ва имкониятларни яратиш, меҳнатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жиҳатлар халқ таълими тизимида меҳнат қилаётган ўқитувчилар фаолиятида ўз ифодасини топмоқда. Педагоглар меҳнатини рағбатлантириш борасидаги ғамхўрлик туфайли ўтган йиллар мобайнида умумтаълим, олий ва ўрта махсус таълим тизимидаги юзлаб устоз ва мураббийлар Ватанимизнинг юксак унвонларига, орден ва медалларига сазовор бўлди. Улар орасида Ўзбекистон Қаҳрамонлари борлиги янада қувончлидир.

— Ўқитувчидек шарафли ва заҳматли касб эгаларининг меҳнати истиқлол йилларида эъзоз ва эҳтиром топди, - дейди Андижон вилояти Олтинкўл иқтисодиёт коллежи директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Шукуржон Маматқулов. — Президентимизнинг устоз-мураббийларга кўрсатаётган ана шундай эътибори барча педагогларни мустақиллигимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, фарзандларимизни комил инсонлар этиб тарбиялашдек эзгу ишларда уларга қанот бўлмоқда.

Педагог ходимлар меҳнатини рағбатлантиришга оид амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар натижасида ўқитувчиларнинг ўртача меҳнат ҳақи 2006 йил 1 сентябрига нисбатан 9 баробарга оширилди.

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларга ўқитиш, хорижий тилларни пухта биладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, соҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантириш учун қулай шароит яратмоқда. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида мамлакатимиздаги барча умумтаълим мактабларининг инглиз, немис, француз тили ўқитувчиларини қайта тайёрлаш, билим ва малакасини юксалтириш бўйича кўплаб лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. 2014-2015 ўқув йилида чет тили ўқитувчиларига бўлган эҳтиёж таҳлил этилиб, амалдаги ўқитувчиларнинг педагогик юкламаларини 1,5 ставкагача ошириш, бошқа чет тили ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва олий таълим муассасалари битирувчиларининг ишга келиши ҳисобидан қоплаш чоралари кўрилди.

Чет тили ўқитувчилари Давлат тест маркази томонидан доимий равишда синовдан ўтказилиб, уларнинг маошига қишлоқ жойларда 30 фоиз ва бошқа таълим муассасаларида 15 фоиз миқдорида қўшимчалар бериб борилмоқда. Бу масъулиятли ва шарафли касб соҳибларини ўз устида тинимсиз ишлашга, баркамол авлод тарбиясида янада фаол бўлишга ундамоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 12 номдаги ўқув қуроллари, мактаб сумкасидан иборат совғаси таркибида инглиз, немис, француз тилларида яратилган дарсликлар мажмуалари бўлиб, бу йил 1-синфга борган 587 мингдан зиёд болаларга туҳфа қилинди.

Президентимизнинг 2014 йил 29 сентябрдаги фармонига мувофиқ мамлакатимиз маънавий-маърифий салоҳиятини юксалтириш, ёш авлодни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида вояга етказишга қўшган салмоқли ҳиссаси, уларга фан асосларини ҳамда замонавий касб-ҳунарларни ўргатишдаги жонкуярлиги, таълим-тарбия соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун бир гуруҳ ўқитувчи ва мураббийлар Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" республика кўрик-танлови таълим фидойиларининг ўзаро фикр алмашишига, ўқув жараёнига янгича услуб ва шаклларни татбиқ этишга имкон яратмоқда. Ўз фани бўйича ўзига хос тажриба мактаби яратган, ҳар бир дарсни ўқувчиларнинг ёшига мос, қизиқарли ҳамда турли кўргазмали воситалар билан ўтаётган илғор педагоглар меҳнати туфайли юртимиз таълим тизими, ўқувчиларнинг билим даражаси тобора юксалмоқда.

Тантанали йиғилишда мазкур танловларнинг 2014 йилги ғолибларига диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

— Мазкур кўрик-танлов илғор, ташаббускор, ижодкор педагоглар тажрибасини кенг оммалаштиришга хизмат қилмоқда, - дейди танлов ғолиби, Чилонзор туманидаги 162-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Ширин Ниёзметова. — Бу таълим-тарбия мазмунини янада такомиллаштириш билан бирга устозларни ёш авлод тарбиясидек мураккаб ва шарафли ишга масъулият билан ёндашишга, янада фаол бўлишга, давлатимиз томонидан яратилаётган қулайлик ва имкониятларнинг қадрига етишга ундаётир.

"Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасида барча умумтаълим мактабларида "Оила - маҳалла — таълим муассасаси" ҳамкорлиги жамоат кенгашининг фаолияти йўлга қўйилди. Бу маърифий-маънавий ишлар сифатини доимий таҳлил этиб бориш, ўқувчиларнинг билим олишга бўлган қизиқиш ва иштиёқини кучайтириш, 9-синфни тамомлаган ўқувчиларни таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Эртамиз эгалари бўлган навқирон авлод ҳаётдан муносиб ўрнини топса, турмушидан, Ватанидан рози бўлиб, умр бўйи бунёдкорлик руҳи билан яшайди. Бугун юртимизда замонавий таълим стандартлари асосида жиҳозланган 1,5 мингдан ортиқ академик лицей ва касб-ҳунар коллежида ёшларга ўзи танлаган йўналиш ва соҳа сирлари ўргатилмоқда. Уларга кучли рақобатни енгган, юқори балл тўплаган ёшлар қабул қилинмоқда. Таълим жараёнига юксак касб маҳорати ва тажрибага эга муҳандис-педагогларнинг жалб қилингани, уларнинг меҳнати муносиб рағбатлантирилаётгани, "коллеж — корхона" ҳамкорлиги доирасида ўтказилаётган назарий ва амалий машғулотлар узвийлик касб этаётгани таълим самарадорлигини оширмоқда.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз олий таълим тизими бакалавриат ва магистратурадан иборат икки босқичли халқаро стандартга ўтказилди.

Маросимда Термиз шаҳридаги 4-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернати директори, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Шоҳида Орипова, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилояти бўлими раҳбари Энахон Сиддиқова, бокс бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси, ўсмирлар ўртасидаги II Олимпия ўйинлари ғолиби Бектемир Меликўзиев ва бошқалар таълим-тарбия, илм-фан, маънавият ва маърифат тизимида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар келажагимиз эгалари бўлган ёшларни Ватанимизга, буюк аждодларимизга муносиб фарзанд этиб тарбиялашдек эзгу мақсадга йўналтирилганини таъкидлади. Ушбу эзгу мақсадга бутун борлиғини бахш этаётган касб соҳибларини қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатаётган ғамхўрлик ва эътибори учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт намойиш этилди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.Собиров, Қонунчилик палатасининг Спикери Д.Тошмуҳамедова, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

**Дилшод КАРИМОВ,
ЎзА мухбири**

Репортаж

# Матбуот маркази

**унда сайлов жараёнларини оммавий ахборот воситаларида холис ва тезкор ёритиш учун барча имкониятлар яратилган**

*Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг муҳим белгиси бўлган сайловларга тайёргарлик жараёни қизғин амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши қарори билан жорий йилда бўлиб ўтадиган сайловларни ёритиш бўйича матбуот маркази ташкил этилди. Ўзбекистон Миллий матбуот маркази биносига жойлаштирилган мазкур марказ фаолияти билан танишар эканмиз, бу ерда барча шароит ва имкониятлар яратилганлигига гувоҳ бўлдик. Матбуот маркази замонавий ахборот технологиялари, компьютер, телефон, факс, принтер, нусха кўчирувчи ускуна ва сайловга оид ҳуқуқий адабиётлар билан тўлиқ таъминланган. Сайлов бурчаги ташкил этилиб, у Марказий сайлов комиссиясининг айни жараёндаги фаолиятига оид маълумотлар билан янгиланиб турибди.*

Республика матбуот маркази раҳбари Низомиддин Нурматов марказ фаолияти ҳақида қуйидагиларни таъкидлади:

— Бугун мамлакатимиз энг муҳим сиёсий жараён олдида турибди. Сайлов ҳар бир давлатда демократик тамойиллар қай даражада устуворлигини намоён қилиб турувчи жараёндир. Шундай экан, юртимиздаги сайлов жараёнлари халқаро жамоатчилик, дунё мамлакатлари диққат-эътиборида, нигоҳида. Ана шундай вазиятда ҳам жаҳон, ҳам маҳаллий оммавий ахборот воситаларига энг тўғри, холис ва ҳаққоний ахборот ҳамда маълумотларни тақдим этишда республика матбуот марказимиз муҳим ўрин тутади. Шу маънода матбуот марказининг асосий вазифаси ОАВ вакилларига айни сайлов кампанияси даврида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, тайёргарлик жараёнлари, сайловнинг бориши тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш, жараённи ҳаққоний ва холислик билан ёритишларига шарт-шароитлар яратишдан иборатдир. Шунингдек, мамлакатимиз сайлов қонунчилиги, унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мазмун-моҳияти, аҳамияти борасида таҳлилий материаллар тайёрлаш, миллий ва жаҳон ОАВ вакилларини қизғин жараёнлар билан мунтазам бохабар қилиб бориш матбуот маркази ходимларининг диққат-эътиборида бўлади.

Шу ўринда айтишим керакки, сайлов жараёнларини ёритувчи жаҳон ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари Марказий сайлов комиссияси ҳузурида аккредитация қилиниши лозим. Аккредитациядан ўтган журналистлар Марказий сайлов комиссияси томонидан ўтказиладиган тадбирлар ва сайловга оид бошқа жараёнларда бевосита иштирок этиш ҳуқуқига эга бўладилар, - дейди суҳбатдошимиз.

Дарҳақиқат, матбуот марказида яратилган шарт-шароитлар сайлов жараёнларини холислик, адолатлилик ва тезкорлик билан ёритишда оммавий ахборот воситалари вакилларига қулайлик туғдиради. Сайловга тайёргарлик кўриш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар, энг муҳими, бу борадаги энг тўғри, аниқ ва холис ахборот ва маълумотларни айнан матбуот маркази орқали олиш мумкин. Қолаверса, қонунчилигимизда сайлов жараёнларининг очиқлиги, ошкоралиги ва шаффофлигини таъминлашга доир нормалар мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, матбуот марказининг фаолияти ушбу қонуний принципларнинг амалдаги ифодасига хизмат қилади.

— Мамлакатимизда бошланган сайлов кампанияси ва бу даврда кечаётган қизғин жараёнлар ҳақида батафсил маълумот олиш учун келгандим, - дейди матбуот марказида учратган ҳамкасбимиз. — Бу ерда биз ОАВ вакиллари учун яратилган шарт-шароит ва имкониятларни кўриб, хурсанд бўлдим. Матбуот марказидаги ҳуқуқий адабиётлар ва бошқа қўлланмаларни варақлаб, энди сайловга оид таҳлилий эшиттириш тайёрлаш фикри уйғонди. Матбуот маркази имкониятларидан унумли фойдаланиб, фуқароларимиз кўз ўнгида сайлов жараёнларини аниқ ва равшан намоён этишимиз мумкин. Энг асосийси, марказ фаолияти қонунларимиз билан мустаҳкамланган сайлов жараёнларининг адолатлилиги, очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

- ***Юртимиздаги сайлов жараёнлари халқаро жамоатчилик, дунё мамлакатлари диққат-эътиборида***
- ***Матбуот маркази ОАВ вакилларига сайловнинг бориши тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади, жараённи ҳаққоний ва холислик билан ёритишларига шарт-шароитлар яратади***

Таъкидлаш жоизки, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан дадил илдамлаётган мамлакатимизда сайлов қонунчилиги йилдан-йилга такомиллашиб бораётир. Жорий йилги сайловлар янада такомиллашган қонунлар асосида ўтиши билан ҳам ўтган галги сайловлардан фарқ қилади. Шу маънода бу йилги сайловни янада уюшқоқлик билан ўтказиш ҳамда мазкур жараёнларни очиқ, ошкора, одиллик ва холислик тамойилларига амал қилган ҳолда тезкор ёритиш ОАВ вакиллари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Зеро, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини янада юксалтириш, уларга бугунги сайловлар юртимизнинг эртанги равнақи, халқимизнинг фаровонлиги йўлида долзарб аҳамиятга эга эканлигини англаган ҳолда сайловда фаол иштирок этиши лозимлигини кенг тарғиб қилиш ОАВ ходимлари олдида турган муҳим вазифалардандир. Бу борада сайловларни ёритиш бўйича тузилган матбуот маркази энг асосий кўмакчи бўлиб хизмат қилади.

**Муҳтарама КОМИЛОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

***Имзо варақлари тўғри тўлдирилганлигини текшириш тартиби Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.***

***Сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганлигини Марказий сайлов комиссияси томонидан текширилиши жараёнида иштирок этиш ҳуқуқига эга.***

*"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 23-1-моддасидан*

Ҳуқуқ ва бурч

**? *Амалдаги қонунчилигимизда сайлов ҳуқуқининг қандай асосий принциплари белгиланган?***

**Малоҳат Менгликулова,**
**Сурхондарё вилояти**
**Олтинсой тумани**

— Сайлов ҳуқуқи асосий принциплари дейилганда, сайлов жараёнини ташкил қилиш ва ўтказиш билан боғлиқ бўлган устувор қоидалар йиғиндиси тушунилади. Сайлов ҳуқуқининг асосий принципларига умумий сайлов ҳуқуқи, тенг, тўғридан-тўғри ва яширин овоз бериш ҳуқуқи, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда очиқлик ва ошкоралик принципи киради.

Ушбу принциплар сайловларнинг демократик тарзда ўтиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигида алоҳида ўрин тутади. Мисол учун, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг тенг сайлов ҳуқуқи деб номланган 3-моддасига биноан, ҳар бир фуқаро — сайловчи бир овозга эга.

Фуқаролар жинси, ирқий ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар.

**? *Жорий йилнинг декабрь ойида 18 ёшга тўламан. Бу йилги сайловларда қатнашиш ҳуқуқига эга бўла оламанми?***

**Ҳиммат Абдухалилов,**
**Бухоро вилояти,**
**Қоракўл тумани**

— Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси 1-қисмида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга эканлиги, ҳар бир сайловчи бир овозга эгалиги, овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланиши ҳамда унда ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгалиги белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги (янги таҳрирдаги) Қонунининг умумий сайлов ҳуқуқи деб номланган 2-моддаси 1-қисмида белгиланганидек, сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар. Демак, сайлов кунига қадар ёки сайлов куни ўн саккиз ёшга тўладиган, рўйхат тузилаётган вақтда мазкур сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилиб келаётган фуқароларнинг фамилиялари сайловчилар рўйхатига киритилади (32-модда).

**Саволларга ЎзМТДП фракцияси аъзоси Акмал РАҲМОНОВ жавоб берди.**

Съезддан съездгача

# Миллий ғоя ва миллий тикланиш мафкураси

**тарғиботида ЎзМТДП қандай иштирок этмоқда?**

***Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг асосий дастурий, мафкуравий ва ғоявий мақсадлари ҳақида гапирганимизда, аввало, миллий анъаналар ва қадриятларни сақлаш, ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш, фан-техника тараққиётини ва Ўзбекистоннинг глобаллашиб бораётган жаҳонда муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, биз фахрланадиган миллий анъаналар ва қадриятларимизни сақлаб қолиш тарафдорлари бўлган инсонлар манфаатларини ҳимоя қилиш сингари вазифалар кўз олдимизда гавдаланади. Партия мустақиллик йилларида бошланган миллий қадриятларни тиклаш, ўзликни англаш, миллий ғояни шакллантириш ва миллий мустақиллик мафкурасини мустаҳкамлаш, халқнинг маънавий ҳаётида ўзбекона анъаналарни тиклаш каби хайрли ишларни изчил, босқичма-босқич ва тизимли равишда давом эттириш тарафдоридир. Ушбу ишни сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш, унинг самарадорлигини оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш партиямиз олдида турган вазифалардандир.***

Хўш, бугун Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўз ғоя ва мафкурасини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш орқали хайрихоҳлар, партия аъзолари ва электорати манфаатларини таъминлашга эриша оляптими? Ҳудудий партия ташкилотлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари аъзолари фаолиятида ушбу мезон қай даражада ўз ифодасини топаяпти? Ўтказилаётган тадбирлар самара бераяптими? Ушбу саволлар жавоби ЎзМТДПнинг мафкуравий, маърифий ва маънавий соҳада амалга ошираётган саъй-ҳаракатлари, ташкил этаётган тарғибот тадбирлари таҳлилида намоён бўлади.

**ЭЛЕКТОРАТ ИШОНЧИНИ ҚОЗОНАЁТГАН ЎзМТДП ЛОЙИҲАЛАРИ**

Маълумки, ЎзМТДП ўз ғояси ва мафкураси, дастурий мақсад ҳамда вазифаларини тарғиб қилишнинг энг самарали усули - йирик лойиҳалар орқали амалга оширишни йўлга қўйган. Ушбу лойиҳалар орқали партия ғоялари юртимизнинг энг чекка ҳудудларигача кириб бориб, хайрихоҳлар сафи кенгайишига сабаб бўлаётир. Хусусан, 2009 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони", шунингдек, "Ўзбекистон ифтихорлари — ёшлар даврасида", "Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жараёнлар — ёшлар нигоҳида", "Банк кредитларининг оилавий тадбиркорлик ва миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришдаги аҳамияти" каби лойиҳалар доирасида ўтказилаётган тадбирлар кўлами ҳам, самарадорлиги ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда. Буни лойиҳаларда иштирок этиш истагини билдираётган партиямиз аъзолари ҳамда хайрихоҳлари сонида ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" лойиҳаси дастлаб ўз атрофида 3 минг нафардан ортиқ иштирокчи ва хайрихоҳларни бирлаштирган бўлса, 2010 йилда ушбу кўрик-танловга 7 минг нафардан зиёд партия фаоллари ва қўллаб-қувватловчилар жалб қилинди. 2011-2013 йилларда бу кўрсаткич 10 минг нафардан ортиқни ташкил этди. "Банк кредитларининг оилавий тадбиркорлик ва миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришдаги аҳамияти" лойиҳаси асосида 2012 йилдан ҳозирги кунга қадар 500 нафарга яқин ҳунарманд ва оилавий тадбиркорларга 8 ярим миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли кредит ажратилиб, мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилишига эришилди. Партиянинг бошқа лойиҳалари қамрови ҳақида ҳам шундай фикрга келиш мумкин.

Айтиб ўтганимиздек, партия лойиҳалари йилдан йилга такомиллашиб бормоқда. Фикримиз далили сифатида ЎзМТДПнинг янги, шу билан бирга аллақачон ўз қўллаб-қувватловчиларини топиб улгурган лойиҳаларини келтириш мумкин. "Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ЎзМТДПнинг иқтисодиёт соҳасидаги устувор вазифаси", "Тинчлик ва осойишталик — мамлакатимиз тараққиёти кафолати", "Мустақиллик — миллий тикланиш ва юксалишдир", "Қадриятларимизга айланиб бораётган замонавий анъаналаримиз" каби лойиҳалари шулар жумласидандир. Шунингдек, партиянинг яна бир янги ташаббуси — самарали фаолият олиб бораётган вилоят Кенгашларида тажриба алмашишни мақсад қилган кўчма семинар партия ҳудудий ташкилотлари фаолиятининг янада жонланиши ҳамда ўзаро рақобатнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди.

**ФАОЛИЯТИМИЗ МАҲАЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР МАНФААТИГА ҚАРАТИЛМОҚДА**

Истиқлол йилларида мамлакатимизда ишлаб чиқариш соҳаси жадаллик билан ривожланиб бормоқда. Кўплаб йирик корхоналардан ташқари чекка ҳудудларда кичик ишлаб чиқариш корхоналари, аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи субъектлар сони ошаётир. Қишлоқ жойларида сут ва мева-сабзавотларни қайта ишлаш, тикувчилик цехлари, қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ишга тушаётгани, маиший хизмат кўрсатиш уйларининг фаолият бошлаётгани аҳолига бир қатор қулайликларни яратмоқда. Қўшимча иш ўринларини вужудга келтирмоқда. Натижада юртимизда бир-биридан обод гўшалар кўпайди. Бу муваффақиятларнинг ҳаммаси мамлакатимизда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга берилаётган давлат сиёсати даражасидаги эътибор самарасидир. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, оилавий тадбиркор ва ҳунармандлар фаолиятини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ҳам устувор вазифаларидан бири. Ўтган вақт давомида "Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ЎзМТДПнинг иқтисодиёт соҳасидаги устувор вазифаси" лойиҳаси бўйича ўтказилган тадбирларда партия дастурий вазифасидан келиб чиқиб маҳаллий ишлаб чиқарувчилар фаолиятини ривожлантиришга эътибор қаратилди.

Жорий йилнинг 10-11 апрель кунлари Андижон вилоятида амалга оширилаётган чора-тадбирларга бағишлаб "GM Uzbekistan" қўшма корхонасида "Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ЎзМТДПнинг иқтисодиёт соҳасидаги устувор вазифаси" ҳамда "Демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришда партия ташкилотлари ва гуруҳлари иштирокини кучайтиришнинг долзарб вазифалари" мавзусида семинар бўлиб ўтди. 200 нафарга яқин иштирокчи қатнашган мазкур тадбирда мамлакатимизда тадбиркорларга яратилган имкониятлар, солиқ соҳасидаги имтиёзлар, маҳаллийлаштириш дастурининг мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига қўшаётган ҳиссаси каби мавзуларда сўз борди. Худди шу мавзудаги тадбирлар ҳудудий ва маҳаллий партия ташкилотларида 34 маротаба ўтказилиб, 2300 нафардан зиёд иштирокчи қатнашди. Мазкур лойиҳа дастлаб Тошкент вилоятининг Ангрен туманида ташкил этилган бўлса, жорий йилда Андижон ва Навоий вилоятларида ўтказилди. Лойиҳалар доирасида семинар ва мазкур вилоятлардаги йирик ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти билан бевосита танишув асносида ушбу корхоналарда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни жамлаган бошланғич партия ташкилотлари тузилди.

**ҚАДРИЯТЛАРИМИЗГА АЙЛАНИБ БОРАЁТГАН ЗАМОНАВИЙ АНЪАНАЛАРИМИЗ**

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони Мафкуравий, маънавий ва маърифий масалалари бўлими томонидан ўтказилаётган тадбирларда миллий қадрият ва анъаналаримизни асраш, уларни улғайиб келаётган ёш авлод онгига сингдириш каби масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Наврўз — миллий анъана ва қадриятларимиз кўзгуси" лойиҳаси доирасида жойларда ўтказилган "Ассалом Наврўз", "Наврўз — умумхалқ байрами" "Наврўз — миллий анъана ва қадриятларимиз кўзгуси", "Хуш келдинг баҳор, хуш келдинг Наврўз", "Миллий ўйинларимиз ва миллий таомларимиз", "Наврўз ила гўзалдир олам", "Баҳоринг муборак бўлсин она юрт!", "Энг қадимий ва ҳамиша навқирон Наврўз" мавзуларидаги тадбирлар ушбу байрамнинг халқимиз маънавиятида тутган ўрнига қаратилгани билан аҳамиятлидир. "Қадриятларимизга айланиб бораётган замонавий анъаналаримиз" лойиҳаси мамлакатимизда истиқлол йилларидан кенг нишонлана бошланган "Ватан ҳимоячилари куни", "Халқаро болалар куни" байрамлари моҳиятини аҳолига тушунтиришга хизмат қилмоқда. Биргина ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ЎзМТДП томонидан 200 та давра суҳбати, учрашув ва байрам тадбири ўтказилди. "Мардлар қўриқлайди Ватанни", "Ватан ҳимояси — муқаддас бурч", "Ватан ҳимояси — йигитлик бурчи", "Ватанимизга муносиб фарзанд бўламиз" каби мавзуларда ўтказилган тадбирларда асосан ёшлар иштирок этди. Мафкуравий ва маънавий-маърифий масалалар йўналиши бўйича, шунингдек, "Соғлом она — соғлом бола масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналиши", "Буюк аждодлар сиймоси барҳаёт", "Хотира абадий, аждодлар ёди муқаддас", "ЎзМТДП ғояси, дастурий мақсад ва вазифаларини тарғиб қилишнинг замонавий усуллари" каби лойиҳалар ҳам жойларда партиянинг дастуридан келиб чиқадиган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишга хизмат қилаётир.

**ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР ВА АЁЛГА ЭҲТИРОМ ПАРТИЯ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШИ**

Партия ёшлар масалалари йўналишида ҳам қатор истиқболли лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Ушбу йўналишда мамлакатимиз ёшларининг ҳар томонлама етук, билимли, кенг дунёқараш ва тафаккурга эга бўлиб улғайишларига шароит яратиб бериш, ёшларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш партиянинг ҳам энг устувор вазифаларидан бири. "Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жараёнлар — ёшлар нигоҳида" лойиҳаси ана шу мақсадга хизмат қилаётир. Мазкур лойиҳа асосида ҳудудий ва маҳаллий партия ташкилотлари томонидан жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 55 та тадбир ўтказилиб, 3700 нафардан ортиқ иштирокчи жалб этилди. Шунингдек, мазкур йўналишда ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида "ЎзМТДПнинг ёшларга оид сиёсати: асосий йўналишлари, тажрибаси ва истиқболдаги вазифалари", "Конституция ва ёшлар", "Тинчлик ва осойишталик мамлакатимиз тараққиёти кафолатидир", "Сайлов ва ёшлар" каби лойиҳалари ҳаётга татбиқ этилган.

Ёшларнинг миллий анъана, урф-одат ва қадриятларга муҳаббат руҳида ўсиши миллатнинг эртасига умид уйғотади. ЎзМТДПнинг "Миллий халқ ўйинлари" лойиҳаси ўғил-қизларнинг миллий руҳда ўсишига хизмат қилмоқда. Ушбу лойиҳа асосида Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри "Турон" марказий ўйингоҳида ўтказилган тадбирда 150 нафардан ортиқ иштирокчи қатнашган бўлса, Сурхондарёдаги Холмуҳаммад Қулниёз номидаги болалар оромгоҳидаги тадбирда 400 нафар йигит-қиз иштирок этди. Ҳудудий ва маҳаллий партия ташкилотлари томонидан мазкур лойиҳа асосида ўтказилган тадбирларда қарийб 5000 нафар ёшлар иштирок этди.

Аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги роли ошгани хотин-қизларнинг барча соҳаларда фаол иштирокини таъминламоқда. Бугунги ўзбек аёли - раҳбар, сиёсатчи, иқтисодчи, тадбиркор, фермер... Бу қаторни яна узоқ давом эттириш мумкин. Энг асосийси, хотин-қизлар бугунги жамиятимизнинг ҳақиқий таянчи ва суянчига айланиб улгурди. ЎзМТДП томонидан йилда бир марта ўтказилаётган "Фаол аёллар — жамиятимиз таянчи" мавзусидаги хотин-қизлар форуми юртимизда ана шундай аёллар сонини кўпайтиришга хизмат қилаётир. Жорий йилда мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллик тантаналари муносабати билан ўтказилган форумда ижодкорлар, санъаткорлар, фан-таълим фидойилари ҳамда ҳунарманд аёллар иштирок этишди. Уларнинг ижод намуналари кенг жамоатчиликка намойиш этилиб, фаол хотин-қизлар партия сафига қабул қилинди. Партиянинг хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш йўналишидаги барча лойиҳалари уларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлашга замин ҳозирламоқда.

Таъкидлаш керакки, ЎзМТДПнинг "Ташкилий-партиявий ва кадрлар билан ишлаш масалалари", "Ўқув-услубий ва ахборот-таҳлил", "Оммавий ахборот воситалари билан ишлаш ва жамоатчилик билан алоқалар" йўналишларида амалга ошираётган ишлари ҳам мамлакатимизда турли соҳаларни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

ЎзМТДП томонидан ўтган беш йил мобайнида мафкуравий, маънавий-маърифий йўналишда ташкил этилган тарғибот тадбирлари таҳлилига эътибор қаратар эканмиз, уларнинг сони, салмоғи ва самарадорлигида ҳам ўсиш кузатилганининг гувоҳи бўламиз. Жумладан, ўтган 2013 йил давомида бу йўналишда 8 мингга яқин тадбир ташкил этилиб, уларда 214 минг нафар фуқаро иштирок этган. Бу кўрсаткични фоиз миқдорида taққослайдиган бўлсак, натижа 2013 ва 2014 йилнинг шу даврига қадар ўтказилган тадбирлар 2010-2011-2012 йилларга нисбатан 30-40 фоизга ўсганини кўрсатади.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, тобора яқинлашаётган сайловлар мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам фаоллик кўрсатишга интилмоқда. Ўз сайловолди Платформасида аниқ мақсад ва вазифаларни белгилаб олган партиямиз беш йил мобайнида уни амалга оширишга астойдил ҳаракат қилди. Сайлов жараёни эса бу фаолият самарасини кўрсатадиган восита ва синов эканлиги ҳам айни ҳақиқат. Партия мафкураси ва ғояси тарғиботига қаратилган тадбирлар самарасини эса сайлов натижалари яққол кўрсатиб беради.

**Шоҳида ДАМАНОВА,**
**Ҳасан САЛОМОВ**

Сана



(ЎзА) олган сурат.

# Эъзоз ва эътибордаги зот

**улар партия электорати сифатида доимий эътиборимизда**

*Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида миллий қадриятлар ва манфаатларимизга асосланган таълим тизимини яратиш, замонавий билимларга эга бўлган, жисмонан бақувват ёш авлодни тарбиялаш масаласи кун тартибига қўйилди. Таълимни ислоҳ этиш умуммиллий аҳамият касб этиб, давлатимиз ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Таълим-тарбия соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талаблари даражасига кўтариш, миллий кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини барпо этиш, келажак учун баркамол, салоҳиятли авлодни тарбиялаш мақсадида "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. Шу асосда қонуности ҳужжатлари ишлаб чиқилди. Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчи бўлиб миллий таълим тизимини ифода этган ва таълимнинг ўзбек моделига хос давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилиб, амалиётга киритилди. Бундай улуғ ва шарафли вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш таълим ходимлари зиммасига катта масъулият, ишонч юклади.*

**КАСБЛАРНИНГ ЭНГ УЛУҒИ — ЎҚИТУВЧИЛИКДИР**

Бу теран ибора фақат мустақиллик туфайли ўзининг ҳақиқий мазмун ва моҳиятига эга бўлди. Ўқитувчилар маънавий қўллаб-қувватланди, шарафли касбнинг нуфузи ошди. Бу борада Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда 1 октябрь санаси — Ўқитувчи ва мураббийлар куни (1996 йил, 27 декабрь) деб эълон қилиниб, умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиши устозларга бўлган юксак эътироф намунасидир. Ҳар йили байрам арафасида Юртбошимизнинг устоз ва мураббийларга йўллаган табрикларида уларнинг меҳнати юксак баҳоланмоқда ва қадрланмоқда. Президентимиз Фармонлари билан таълим соҳасида алоҳида ўрнак кўрсатаётган устозлар давлат мукофотлари билан тақдирланаётир. Мустақиллик йилларида таълим соҳасида фаолият юритаётган 10 нафар мураббий-ўқитувчи "Ўзбекистон Қаҳрамони" деган олий мукофотга сазовор бўлди. Хусусан, жорий йил мустақиллик арафасида Президентимиз Фармонига биноан эълон қилинган уч нафар "Ўзбекистон Қаҳрамони"нинг бири ҳам айнан таълим тизими фидойиси экани соҳага қаратилаётган эътибор ва ўз навбатида, юртимиз устоз-мураббийларининг юксак савияси намунасидир. Шунингдек, 1992 йилдан буён 3512 нафар таълим ходими турли давлат мукофотлари билан тақдирланганини юртимизда ўқитувчилик касбининг нуфузи ошиб, ана шу мўътабар инсонларга бўлган ҳурмат ва эътибор мустақиллик йилларида олий даражага кўтарилганини ифода этади.

Ўқитувчилар ва умумтаълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш ҳамда уларнинг меҳнатига ҳақ тўлашнинг сифат жиҳатдан мутлақо янгича усуллари жорий этилди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида ўқитувчилар маошларининг қайта кўриб чиқилиши устозлар меҳнатини қадрлашга бўлган эътибордир. Бу ўринда таълим ходимларининг иш ҳақи иқтисодиётимизнинг реал соҳасидаги иш ҳақи миқдоридан 1,5 баробар кўп ўсганлигини эътироф этиш жоиз.

**ДУНЁ ИМОРАТЛАРИНИНГ ЭНГ УЛУҒИ — МАКТАБ**

Кечагидек ёдимизда, шўролар даврида миллий таълим-тарбия "ҳалокат-фалокат" ёқасига келиб қолган, Ватан, миллат тушунчалари унутилаёзган, таълимнинг моддий асоси ҳам, мазмуни ҳам мустабид тузум мафкураси исканжасида қолган эди. Мавжуд умумтаълим мактабларининг деярли ярми мослаштирилган биноларда фаолият юритар, синфхоналар етишмаслигидан дарслар икки-уч сменада ташкил этиларди. Ўқув қуроллари етишмас, замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари тўғрисида гапириб ўтиришга ҳам ҳожат йўқ эди.

Ўз вақтида бошланган ва амалга оширилган таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотлар, узоқни кўзлаган, чуқур ўйланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури бу борада ҳал қилувчи ўрин тутди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш натижасида умумтаълим, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълимини ўз ичига олган, жаҳонда "ноёб тизим" дея эътироф этилган 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими яратилди. Мамлакатимизда 1600 га яқин ўрта-махсус, касб-ҳунар таълим муассасаси ва академик лицейлар барпо этилган бўлса, 10 мингга яқин мактабда янги қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишлари бажарилди. Умумтаълим мактабларини битираётган ёшларни академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига тўла қамраб олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳозир юртимизнинг барча ҳудудларида замонавий таълим масканлари қад ростламоқда. Улар энг сўнгги русумдаги ўқув қуроллари ва техник воситалар билан жиҳозланган бўлиб, фарзандларимизнинг билим олиши, тарбия топиши учун барча шароитлар яратилган. Ёшларга қаратилаётган бундай эътибор, албатта, устоз-муаллимлар учун ҳам қулайлик туғдиради. Бугунги кунда устоз-мураббийлар кенг, кўркам, ёруғ, замонавий жиҳозланган ўқув хоналарида таълим-тарбия беришмоқда. Ёшларга замонавий талабларга жавоб берадиган спорт майдончаларида спорт сирларини ўргатишмоқда. Бу эса, ўз навбатида, таълим сифатининг ошишига сабаб бўлмоқда.

**ТАЪЛИМ МАЗМУНИ МУТЛАҚО ЯНГИЛАНДИ**

Ўзимизга хос ва мос демократик жамият қуриш учун эски мафкурадан бутунлай воз кечиш, миллий мафкура ва ғояга асосланган таълим тизимини яратиш вазифаси турар эди. Маълумки, ўша даврда ўқув адабиётлари, дарсликлар мустабид тузум мафкураси ва ғояси билан суғорилган, яъни тарихий ҳақиқат очилмаган, ёлғон, таги пуч фикрлар билан ифода этилган эди. Истиқлол даврида бу бўшлиқни тўлдириш мақсадида миллий қадрият, анъаналар, миллий ғоя ва мафкурага асосланган ўқув адабиётлари, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, кўргазмали материаллар мажмуалари яратилди.

Бир сўз билан айтганда, бугун фарзандларимиз юксак маънавиятли, салоҳиятли, ўз касбининг мутахассиси бўлган устоз ва мураббийларнинг машаққатли меҳнатлари натижасида интеллектуал тафаккурга эга, глобаллашув даври, ахборот асрининг мураккаб талабларига, айрим бузғунчи ғояларга, ёт оқимларга ўзларининг кенг дунёқараши, иқтидори билан муносиб жавоб бера оладиган авлод бўлиб шаклланаяпти.

**УСТОЗ ВА МУРАББИЙЛАР МЕҲНАТИ ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРМОҚДА**

Истиқлолга эришгунимизга қадар республикамиз мактаб ўқувчилари халқаро фан олимпиадаларида умуман қатнашмаган эдилар. 1995-2014 йиллар давомида эса ўқувчиларимиз кимё, биология, физика, математика, информатика, хорижий фанлардан нуфузли танловларда қатнашиб, ҳеч кимдан кам эмаслигини дунёга намоён қилди. Иқтидорли болаларимиз мазкур олимпиадаларда жами 244 та медаль, шундан, 20 та олтин, 49 та кумуш, 175 та бронза медалини қўлга киритди. Айниқса, кимё фани бўйича Тошкентда ўтказилган Халқаро Менделеев олимпиадасида ўқувчиларимиз 10 та медални қўлга киритиб, биринчи ўрин соҳиби бўлгани ёки Испанияда 97 та мамлакат ўртасида ўтказилган математика олимпиадасида 4 та совринли ўринни олишга эришгани, Франция ва Италияда бўлиб ўтган халқаро кўрик-танловнинг мусиқа йўналишида юқори ўринларни эгаллаб, Ватанимиз байроғини баланд кўтаргани алоҳида эътирофга лойиқ. Шу боис пойтахтимизда бўлиб ўтган "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизациялашнинг муҳим шарти" мавзусидаги халқаро конференцияда турли халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари, таълим соҳасида фаолият юритаётган таниқли мутахассислар ҳамда экспертлар иштирок этиб, "Ўзбекистон таълим тизими алоҳида таҳсинга сазовор", дея эътироф этдилар.

Устозларимиз меҳр билан тарбиялаётган ёшлар замонавий билимга эга бўлиб улғаймоқда, уларнинг тафаккури ва дунёқараши ўзгарди. Энг муҳими, фарзандларимиз онгида ўзига, келажакка ишонч туйғуси пайдо бўлиб, амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга нисбатан дахлдорлик ҳисси шаклланди. Уларда билим олиш иштиёқи кучайди, фақат малакали мутахассис, ўз касбимнинг устаси бўлсамгина, ҳаётда ўзимнинг муносиб ўрнимни топишим мумкин, деган ақида қарор топди. Ватан туйғуси кучайиб, шу Ватан меники, уни обод этиш менинг вазифам, деган туйғу шаклланди.

Жорий йилнинг "Соғлом бола йили" деб эълон қилиниши ҳам бу борада мамлакатимизда олиб борилаётган амалий саъй-ҳаракатларнинг узвий давоми бўлди. Айниқса, болаларни таълим стандартларига мувофиқ мактабга тайёрлашнинг мутлақо янги дастурларини ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга татбиқ этиш, мактабгача таълим муассасалари ходимларининг малака категорияларини белгилаш ҳамда кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш каби чора-тадбирларни амалга ошириш навқирон авлодни баркамол этиб тарбиялашдек улуғ мақсадларга қаратилганлигини таъкидлаш лозим.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ижодкор зиёлилар, таълим, маданият ходимларини ўзининг асосий таянч электорати сифатида билади. Шу маънода, ЎзМТДП фаоллари, депутатлари мамлакатимизда таълим тизими ходимларига кўрсатилаётган эъзоз, эътибор, ғамхўрликнинг тарафдори бўлиб, уларга янада қулай шарт-шароитлар яратилиши, ижтимоий қўллаб-қувватланиши кучайтирилишига кўмаклашади. Ушбу саъй-ҳаракатларимиз пировардида, фарзандларимизнинг баркамол авлод сифатида вояга етиб, Ўзбекистоннинг буюк келажагини барпо этиш, дунёнинг энг ривожланган демократик давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллашимиз йўлида ўз куч-ғайратини, билим ва иқтидорини, интеллектуал салоҳиятини сафарбар этишида тамал тоши бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

**Абдуғафур МАМАТОВ,**
**ЎзМТДП фракцияси аъзоси**

Давра суҳбати

# Сайлов ва аёллар

**синов натижаларида хотин-қизлар иштироки муҳим ўрин тутади**

***"Юксак билим ва малакага эга бўлган оқила аёлларимиз ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқларида нуфузли ўринни эгаллаб, хотин-қизларимизнинг, халқимизнинг ишончли вакиллари сифатида фаолият олиб бориши учун кенг йўл очиб берсак, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида салмоқли қадам қўйган бўламиз".*** *Давлатимиз раҳбарининг мазкур фикрлари мамлакатимизда хотин-қизларга қаратилаётган юксак эътибор, яратилаётган шароит ва билдирилаётган ишончнинг яққол намунасидир.*

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши томонидан "Партия сайловолди Платформасини тайёрлаш ва уни тарғиб-ташвиқ қилишда "Аёллар қаноти"нинг устувор вазифалари" мавзусидаги давра суҳбати иштирокчилари айни шу масала хусусида фикр алмашдилар. Мамлакатимизда сайловни ўтказиш бўйича тўпланган тажриба, миллий сайлов тизими ҳамда сайловга оид қонунларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш, ЎзМТДПнинг янги сайловолди Платформасида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш юзасидан белгиланаётган вазифаларни атрофлича муҳокама қилиш ҳамда сайловолди кампаниясини самарали ташкил этишда "Аёллар қаноти"нинг фаоллигини ошириш мақсадида ташкил этилган давра суҳбатини ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Сарвар Отамуратов кириш сўзи билан очди.

— Мамлакатимизда фаолият юритувчи барча сиёсий партиялар учун масъулиятли ва ҳал қилувчи давр бошланди. Боиси жорий йилнинг 15 сентябрь санасида Марказий сайлов комиссияси парламент ва маҳаллий Кенгашлар сайловларига сайлов кампанияси бошланганини эълон қилди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг жамиятдаги ўрни, давлат бошқарувидаги иштироки, электорат манфаатини ҳимоя қилиш бўйича қандай имкониятларга эга бўлиши партиянинг сайловлардаги иштироки ва сайлов натижаларига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан барча даражадаги партия ташкилотлари, депутатлар ва партия етакчилари қатори "Аёллар қаноти" фаоллари ҳам бу жараёнда фаоллик кўрсатиши, сайловларда партиямизнинг муносиб иштирокини таъминлашга ўз ҳиссасини қўша олиши лозим. Бугунги давра суҳбати айни шу масала муҳокамасига қаратилгани билан аҳамиятлидир, - деди партия раҳбари.

Тадбирда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев "Сайловларда партия ғояларини тарғиб қилиш технологияси" мавзусида маъруза қилиб, иштирокчилар эътиборини қуйидагиларга қаратди:

— Яқинлашиб келаётган парламент ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловлар кескин курашлар остида ўтиши, аввалги сайловлардан тубдан фарқ қилиши табиий. Чунки бугун юртдошларимизнинг салоҳияти, дунёқараши кенг, сиёсий-ҳуқуқий маданияти юксак. Ўтган сайловлардан тўғри хулоса чиқарган сиёсий партиялар ҳам, кундан-кунга сиёсий фаоллиги ошиб бораётган фуқаролар ҳам сайловда муносиб иштирок этишга ҳаракат қилмоқда. Шундан келиб чиқиб, ЎзМТДП ғояси, унинг дастурий мақсад ва вазифаларини тарғиб қилишда тарғиботнинг самарали усулларидан фойдаланиш, сиёсий технологияларни қўллаш, ғоявий мақсадларни аҳолига таъсирчан, ишонарли тарзда етказиб бериш муҳим саналади. Партиямиз бутун эътиборини жорий йилги сайловларда муносиб иштирок этишга қаратган экан, амалга оширган ҳар бир саъй-ҳаракатимиз, амалий ишларимиз кўлами ЎзМТДПнинг ҳар бир фаоли қалбида бу муҳим синовдан партиямиз муваффақиятли ўтади, деган комил ишончни уйғотиши шубҳасиз.

Давра суҳбатида, шунингдек, Марказий сайлов комиссияси котиби в.б. Комилжон Адиловнинг "Сайловларда хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлашнинг долзарб масалалари", ЎзМТДП фракцияси аъзоси Олимжон Оқиловнинг "Демократик жамиятда аёллар сиёсий фаоллигининг аҳамияти" мавзусидаги маърузалари тингланди. Маърузачилар томонидан таъкидланганидек, мамлакатимизда истиқлолнинг илк кунлариданоқ хотин-қизларнинг жамиятдаги роли, ўрни ва нуфузини мустаҳкамлаш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларга кенг шароит яратиб бериш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Аёлларнинг жамият ҳаётидаги ролини кучайтиришга қаратилган 80 дан ортиқ миллий ва халқаро ҳужжатлар қабул қилинди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан сайловлар ва сиёсий партия фаолиятига оид қонунларимизга Олий Мажлис ва маҳаллий вакиллик органларига номзод кўрсатишда ҳар қайси партия томонидан кўрсатилаётган номзодларнинг 30 фоизи хотин-қизлар вакиллари бўлиши шартлиги белгилаб қўйилгани ҳам мамлакатимиз сиёсий ҳаётида уларнинг ўрни ва роли тобора ошиб бораётганидан далолат.

Давра суҳбатида ЎзМТДП сайловолди Платформасига тегишли масала муҳокама этилди. Таъкидланганидек, партия сайловолди Платформасида асосий эътибор электорат манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларни ҳал этиш механизмларига қаратилмоқда. Сайловолди Платформасини тайёрлашга ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия фаоллари, олий ўқув юртлари профессорлари, сиёсат, ҳуқуқ ва маънавият соҳасидаги амалиётчи мутахассислар, тадқиқотчи ва экспертлар жалб қилинаяпти. Бу жараёнда давлат ва жамоат ташкилотларида фаолият олиб бораётган, ЎзМТДП аъзоларидан иборат хотин-қизлар ҳам ўз таклиф ва тавсиялари билан фаол иштирок этмоқдалар.

Таъкидлаш жоизки, эркин сайловларни амалга ошириш унда иштирок этувчи асосий субъектлар, яъни фуқаролар, сиёсий партиялар ва сайлов комиссиялари, оммавий ахборот воситалари қонунчиликда белгилаб қўйилган ўз ҳуқуқ ҳамда ваколатларидан самарали фойдаланишига боғлиқ. Конституциямизнинг 60-моддасида сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар, деб мустаҳкамлаб қўйилган. Бу эса халқ ҳокимиятчилигини таъминлаш, вакиллик ҳокимиятини шакллантиришда сиёсий партияларнинг ўрни қанчалик муҳимлигини кўрсатади.

***Ҳанифа ЗОКИРОВА,***
***ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони бўлим бошлиғи:***

— Янгидан шаклланадиган вакиллик ҳокимияти қандай салоҳиятга эга бўлиши, мамлакат тараққиётига қай даражада таъсир кўрсатиши, ҳаётий қонунлар қабул қилиниши сиёсий партияларнинг сайлов жараёнида ўз ҳуқуқларидан қандай фойдаланиши билан бевосита боғлиқдир. Бу жараёнда партия аъзоларининг эллик фоизга яқин қисмини ташкил этувчи хотин-қизлар имкониятидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Ўйлаймизки, бугунги давра суҳбати таассуротлари, олинган билим ва тажриба партиямизнинг барча даражадаги ташкилотларининг сайлов жараёнидаги фаолиятида намоён бўлади.

**Ўз мухбиримиз**

Сайлов — 2014

# Битимлар имзоланди

*Сайловни демократик тамойилларга мос равишда очиқ ва эркин ўтказишда оммавий ахборот воситалари ғоят муҳим ўрин тутади.*

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 6-моддаси қоидалари ҳамда Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар Дастурига мувофиқ оммавий ахборот воситалари 2014 йилги сайлов жараёнини кенг ёритиб бориши зарур.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини ёритиш бўйича Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, шунингдек, "Жаҳон" ахборот агентлиги билан битимлар имзолади.

Ушбу битимлар сайлов жараёнининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш, мамлакатимиз ва чет эл жамоатчилигини Ўзбекистонда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича барча тадбирлардан кенг хабардор қилиш мақсадида имзоланди. Битимларда миллий сайлов қонунчилиги - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида", "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги қонунлари ҳамда сайлов жараёнини тартибга солувчи бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш ишларини самарали ташкил этишга қаратилган чора-тадбирлар кўзда тутилган. Депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга сайловолди ташвиқотини олиб боришда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда бир хил эфир вақти ва босма майдони ажратиш орқали тенг шароит яратилишига алоҳида эътибор қаратилган.

— Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар Дастурида кўзда тутилган вазифаларни бажариш мақсадида амалга оширилмоқда, - деб таъкидлади Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов. — Ҳамкорлигимизнинг асосий мақсади — жамоатчиликни сайлов кампаниясининг барча босқичлари ҳақида кенг хабардор қилиш бўйича самарали ахборот-таҳлил ишларини ташкил этиш, сайловчиларга сайлов тўғрисидаги қонунчилик қоидаларини тушунтириш, фуқароларни сиёсий партиялар, депутатликка номзодларнинг сайловолди платформалари билан таништириш, сайловчиларга сайловда эркин иштирок этиш, сайлов куни онгли равишда овоз бериш учун барча зарур шарт-шароитларни яратишдан иборатдир.

Томонлар Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг марказий теле- ва радиоканаллари, давлат босма оммавий ахборот воситалари ҳамда мамлакатимизнинг ахборот агентликлари орқали сайловга тайёргарликнинг бориши ҳамда уни ўтказишга оид ахборотларни ўз вақтида тақдим этиш ва тарқатиш борасида ҳамкорлик қилади.

**ЎзА**

⊙ Ўзлик



# МУСТАҚИЛЛИК — МАЪНАВИЙ ЖАСОРАТ

**ирода ва матонат самарасидир**

***Инсон ўзида мавжуд нарсаларнинг қадрини ҳис қилиши қийин. Ота-она, яқинлар, саломатлик, ёшлик... баъзан буларнинг ҳеч бирига вақтида эътиборли бўлолмаймиз. Лекин ҳаётимиз чин маънода яхши кечиши учун уларга катта эҳтиёж, зарурат мавжудки, буни теран англаш, қадрига етиш жоиз. Шунингдек, бу жонбахш тушунчалар қаторига тинчлик сўзи ҳам қўшилсагина, умримиз мазмуни тўкис бўлади.***

Демак, уни асраб-авайлаш, қадрига етиш барчамизнинг инсоний бурчимиздир. Зеро, ҳар куни ўқишга, ишга эзгу мақсадлар билан отланиб, кўнглимизда хотиржамлик ила уйга қайтишимиз, хонадонларимиз фарзандлар кулгиси, ёр-ёрлар садосига, дастурхонимиз ноз-неъматлар, қалбимиз бир олам орзуларга тўла эканлигининг боиси ҳам — тинчлик ва мустақиллик.

Хўш, бу ҳаётбахш, пурҳикмат сўзларнинг моҳияти қандай англашилади? Бу ўринда муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг истиқлолимизнинг йигирма уч йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи чуқур мазмун-моҳият касб этиб, эркин ва озод ҳаёт, инсоний шаънимиз, миллий онгимиз, қадр-қимматимизнинг тикланишида **"...Ватанимиз тарихида ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган буюк сана"**нинг аҳамияти беқиёс эканлигини яна бир карра намоён этади. Ёшлар онгида мустақиллик туйғусини шакллантиришда тарихни ўрганиш, ўзликни англаш, "Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?" деган саволга жавоб топиш муҳим ўрин тутади.

Дарҳақиқат, Президентимиз таъкидлаганидек, жамият тараққиётидаги ҳар қандай ўзгаришлар, янгиликлар, айниқса, инсоният ривожига катта туртки берадиган жараёнлар, кашфиётлар ўз-ўзидан юз бермайди. Бунинг учун, аввало, асрий анъаналар, тегишли шарт-шароит, тафаккур мактаби, маданий-маънавий муҳит мавжуд бўлмоғи керак. Мустақиллик — катта маънавий жасорат деганидир. Бунга фақатгина юксак маънавиятли халқ эриша олади.

Йиллар силсиласида халқимиз онгу шуурини руҳлантириб турган истиқлол орзуси Юртбошимизнинг жасорати, ирода ва матонати туфайли юзага чиқди. Натижада **"Мустақиллик биз учун — бу ўз тақдиримизни қўлга олиб, юртимизнинг ер ости, ер усти бойликларига эга бўлиш, беқиёс моддий ва маънавий салоҳиятимизни амалга ошириш, жаҳон миқёсида ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш..."** ҳуқуқини берди.

Бугун барчамиз биз киммиз, қандай буюк зотларнинг, қандай буюк мероснинг ворисларимиз, деган ҳақли саволларга бaралла, фахр билан жавоб беришимиз мумкин. Жумладан, жорий йилнинг 15-16 май кунлари Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Самарқанд шаҳрида "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги ўрни ва аҳамияти" мавзусида халқаро конференция ташкил қилингани мамлакатимизнинг дунё саҳнидаги илмий-маданий, маънавий-маърифий салоҳиятини янада мустаҳкамлади. Боиси, ушбу конференцияда 50 дан зиёд мамлакат вакиллари иштирок этиб, буюк алломаларимизнинг улкан тарихий меросига катта қизиқиш билдириб, уларнинг жаҳон илм-фани тараққиётига қўшган ҳиссасини алоҳида эътироф этишди.

Дарҳақиқат, Шарқу Ғарбни ўзаро боғлаган, буюк цивилизациялар туташган юртимиз ҳудудида илм-фан, маданият азалдан ривожланган. Айниқса, ўрта асрларда она заминимиздан минглаб олиму шоирлар, буюк мутафаккирлар етишиб чиққан. Уларнинг математика, физика, кимё, астрономия, этнография, тиббиёт, тарих, адабиёт, ахлоқ, фалсафа каби кўплаб соҳаларга оид асарлари, Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Шаҳрисабз, Термиз, Марғилон ва бошқа шаҳарлардаги қадимий обидалар бутун башариятнинг маънавий, маданий мулки ҳисобланади. Шу боисдан Миср, Бобил ва Юнон маданиятлари билан тенг кўҳна тарихга эга миллий давлатчилигимиз ва маданиятимиз тарихини бугун дунё тан олаётгани кўксимизни фахр-ифтихорга тўлдиради. Ва, бу муқаддас кунларга айнан мустақиллик туфайли эришганимизни англаймиз.

"Бугун ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкин ва мен буни алоҳида қайд этмоқчиман, ўрта асрлар Шарқ даҳоларининг буюк кашфиётлардан иборат илмий мероснинг чуқур қатламлари ҳали ўрганилмаган ва ўз тадқиқотчиларини кутмоқда." Президентимиз халқаро конференцияда сўзлаган нутқида бу жумлаларни бежизга таъкидламади. Биргина мисол, яқинда таниқли олим Ричард Стоуннинг Абу Райҳон Беруний асарлари ҳақидаги мақоласи АҚШда чоп этиладиган оммабоп, академик нашрлардан бири "Science" ("Фан") журналида (2014 йил, 20 июнь сони) босилиб чиқиб, кенг омма эътиборини қозонди. Унда алломанинг буюк ишлари юксак эътироф этилгани алоҳида эътиборга молик. Аждодларимиз меросини ўрганиш ва тарғиб этишга қаратилган бу каби эзгу саъй-ҳаракатлар дунё миқёсида кенг қулоч ёяётгани бизга янада фахр-ифтихор бағишлайди. Шу ўринда айтиш жоизки, мамлакатимизда бу борада шарт-шароит ва имкониятларнинг кенгайиб бораётгани кўплаб ёш олим, тадқиқотчилар, фан фидойиларининг мазкур соҳадаги изланишларининг янада равнақ топишига сабаб бўлмоқда.

Аждодларимизнинг улкан илмий-маданий мероси билан биргаликда, бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли замонавий ислоҳотлар, демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш борасидаги юксак мақсадларимиз йўлида ўзининг муносиб ҳиссасини қўша оладиган ёш авлодни тарбиялаш масаласи алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада сўз юритганда, Президентимиз таъкидлаганидек, "...энг аввало, бошлаган ишларимизнинг давомчилари бўлмиш азиз фарзандларимизни ўз фикрига, ўз қарашларига эга, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, эртанги кунимизнинг масъулиятини ўз зиммасига олишга қодир бўлган, бугунги давр талаб қиладиган соғлом ва баркамол авлод этиб тарбиялаш масаласига ўз вақтида устувор аҳамият бериб, уни умуммиллий даражага кўтарганимиз — энг тўғри, узоқни кўзлаган, ҳаётимизда ўзини тўла оқлаган тарихий қадам бўлди".

"Собиқ тузум даврида қариндош-уруғимиздан бирор киши олий ўқув юртида ўқий олмаган. Эски тузумда кишиларнинг истеъдоди, лаёқатини бўғишга уринишлар кўп учрар, ўзининг интеллектуал салоҳиятини намоён қилиш жуда оғир масала эди. Бугун мустақиллик шарофати билан 4 нафар набирам хориждаги нуфузли университетларда таҳсил оляпти. Ҳозирги кунда ёшларга яратилаётган шарт-шароит, имкониятларни кеча тасаввур қилиш ҳам қийин эди. Минг шукрки, истиқлол ўзлигимиз, қадр-қимматимизни қайтариб берди, бугун дуога очилган қўлларга кишан солинмайди, эзгу ниятлари учун эъзозлашади". Наманганлик 75 ёшли отахон Инъомжон Эргашевнинг шукроналик ҳисларига тўла сўзлари мустақиллик йилларида инсон омили олий ўринга кўтарилиб, қадр-қиммати тикланганини яққол ифода этади. Буюк неъматнинг халқимизга берган энг яхши туҳфаларидан бири ҳам шу эмасми? Аслида мустақилликнинг аҳамиятини узоқдан излашнинг кераги йўқ, кеча ким эканлигимизу бугун ким бўлганимизни ўйлаш кифоя. Президентимиз ҳам истиқлолимизнинг йигирма уч йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табригида **"Миллий қадр-қимматимизни, барчамиз учун муқаддас диний қадриятларимизни, урф-одатларимизни писанд қилмасдан, улар аёвсиз топталган замонларда бундан ортиқ алам ва бедодлик бўлиши мумкинмиди?"**, дея таъкидланганлари бежиз эмас.

Бу борада Президентимизнинг табрик сўзи халқимизнинг бой ва бетакрор маданий, маънавий, ахлоқий ҳамда миллий анъаналарига таянган ҳолда фуқароларни миллий ғурур ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, шунингдек, кўп асрлик анъана ва урф-одатларни сақлаб қолиш каби мақсадлар йўлида ҳаракат қилаётган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ғояларига яна бир карра суянч вазифасини ўтайди. Юксак маънавият — енгилмас куч ғояси асосида партиянинг барча даражадаги ташкилотларида ўтказиб келинаётган турли тарғибот тадбирларида халқимизнинг бағрикенглик, меҳр-оқибат, меҳмондўстлик фазилатлари ҳамда тинчлик, осойишталик, ўзликни англаш тушунчалари мазмун-моҳиятига алоҳида урғу берилмоқда. Зеро, миллий тикланиш ва миллий руҳ билан суғорилган мустақиллик абадий яшай олади.

"Юксак маънавият — енгилмас куч" китоби орқали маънавият тушунчаси жаҳон давлатчилик тарихида илк бор умумбашарий фалсафий-сиёсий категория даражасига кўтарилганига эътибор берсак, халқимизнинг бой маънавий меросини ўрганиш, асраб-авайлаш, мустақилликни ҳимоя қилиш ҳар бир ўзбек фарзандига фахр-ифтихор бағишлайди.

**Умида УЗОҚОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

⊙ Робита

# "Илму таълим олган сени унутмас..."

***Адабиёт, бадиий асарлар фазилатини оширадиган омиллардан бири - маърифатдир. Шунданми, етук сўз санъаткорларининг аксарияти ўз даврининг муносиб ва таниқли маърифатпарварлари бўлишган. 1996 йилнинг 28 ноябрида Хива шаҳрида ана шундай улуғ аллома, туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули Фироғийга ҳайкал қўйилди.***

Президентимиз таъкидлаганларидек: "Бугун ўзбек мактабларида, туркман мактабларида улуғ Махтумқули ижодини ҳар томонлама чуқур ўрганадиган, янгидан кашф этадиган замон келди. Бинобарин, шоир қолдирган бебаҳо меросни янгича кўз билан ўқиб-ўрганиш, унинг хотирасини абадийлаштириш, руҳини шод этиш бизнинг муқаддас бурчимиздир". Дарҳақиқат, Махтумқулининг таълим-тарбия соҳасидаги хизматлари беқиёс. Маърифатпарвар инсон сифатида юксак ҳурмат ва эҳтиромга лойиқ шоирнинг ижод ва ҳаёт йўли ҳам ибрат олса арзигулик. Махтумқули юксак маърифатли оилада камол топди. Отаси Давлатмамат Озодий таниқли шоир, домла, тасаввуфшунос олим бўлган. Бўлғуси шоир илк саводни қишлоқ мактабида, сўнг Хўжамбозлик Ниёзсолиҳ домланинг қўлида чиқарди. Ниёзсолиҳ домла ўқишни маълум босқичга етказгач, Махтумқулини Амударё бўйидаги Халач туманида жойлашган Шайх Идрисбобо мадрасасига йўллайди. Ўғлидаги ноёб истеъдодни сезган ота уни нуфузли мадрасаларда билим олишини истайди. Ана шу хайрли мақсадда Махтумқули аввал Бухородаги Кўкалдош, сўнгра, Хивадаги Шерғозийхон мадрасасида таҳсил олади. У ерда Махтумқули диний ва дунёвий илмларни эгаллаш баробарида аниқ фанлар асосини, шунингдек, форс-тожик ҳамда араб тилларини ўрганади.

Махтумқули илму маърифат, билим даргоҳи, устозлар, таълим берган муаллимлар сиймосини доимо қадрлаб келган. Шоирнинг ягона мақсади халқни саводсизлик ва жаҳолатдан халос этиш эди. Шоир умри давомида илм-маърифатли, билимдон кишиларни қадрлади, улар билан ҳамсуҳбат бўлди, ўз овули ва қўшни овуллардаги болаларга саводхонлик, адаб илмидан сабоқ берди. Махтумқули Шерғозийхон мадрасасида ўзининг билимдонлиги билан устозлар ишончини қозонган, ҳатто, уни муаллимликка ҳам жалб қилишган эди. Бироқ, 1760 йили отасининг ўлими туфайли Махтумқули Хивадан ўз овулига қайтишга мажбур бўлган.

"Илму таълим олган сени унутмас" дея шогирдлик онтини умр бўйи ҳаётий шиори деб билган Махтумқули мактаб-мадрасанинг дунёни билиш, оқ-қорани таниш воситаси, маърифат макони эканлигини таъкидлашдан асло чарчамаган.

*Англаб етдим энди оқни, қорани,*
*Дўсту, рақиб, қардош, Ҳақни, ёронни,*
*Ўқидим, тугатдим китоб, Қуръонни,*
*Кетар бўлдим, хуш қол, гўзал Шерғози!*

Махтумқулининг қадрдон мадрасаси билан хайрлашувидаги садоқат, миннатдорлик оҳанглари ўзида ҳамиша оқибат дарсини бериб келаётгандек туюлади. У ўз қишлоғи Ҳожигавшондаги отаси асос солган мактабда домлалик қилишда давом этди, заргарлик ҳунарини ҳам ташлаб қўймади. Ўзининг шеъриятини халқона соддалик ва донишмандлик билан безаган шоир маърифий ғояларни, билим ва фаросат, эзгулик ва саховат фазилатларини меҳнаткашлар оммасига нақадар осон, жозибали қилиб етказишнинг устаси бўлган. Махтумқули шу тариқа кенг оммага маърифат улашди. Сўқир кўзларни очиш, билим ва заковатнинг, олим ва маърифатпарварликнинг аҳамиятини тарғиб қилишдан ҳеч қачон толмади. "Одам яхшиси олимдир, Амал этмаса золимдир" деган ҳаётий ақидага суяниб яшаган шоир яна: "Олимларга дуч келсанг — очилар кўзинг, Золимларга дуч келсанг — кўрдек бўларсан" дея халққа чин дилдан ўгит берган.

Фидойи маърифатпарвар, адаб илмининг билимдони бўлмиш Махтумқулининг асарлари асрлар давомида ўзбек мактаб ва мадрасалари, олий ва ўрта махсус ўқув даргоҳларининг дарслик-қўлланмалари таркибидан ўрин олиб келмоқда. Агар ўтмишда ихлосмандлар Махтумқули асарларини қўлда кўчириб тарқатган бўлсалар, XX-XXI асрларга келиб ушбу дурдона шеърият намуналари турли йилларда "сайланмалар" шаклида ўзбек тилига ўгирилди ва кўп нусхаларда нашр этилди.

Махтумқулининг панду насиҳатга бой шеърлари ҳар бир инсонга маънавий ва маърифий озуқа бера олади. Масалан, "Ақллилар кўп, ақл ишлатган оз" деган ҳикматни олайлик. Шоир ақлли, билимли кишиларнинг ўз ақли ва билимини тўғри, фойдали иш — фаолият учун сарфлай олмасликларидан афсус чекади. Баъзида ақли ва билимини шахсий манфаати, қора нияти йўлида сарфлайдиган одамлар ҳам орамизда учраб туради. Шу маънода, Махтумқули одамларни ҳаётнинг ҳамма жабҳасида сув билан ҳаводек зарур бўлган илм ва ақлни қадрлашга ундайди.

Таълим-тарбия берган устозларни унутмаслик, уларнинг қадрига етиш Махтумқули шеърларида тез-тез тилга олинади. Зеро, шоирнинг ўзи ҳам овулдаги мактабидан тортиб катта мадрасаларда таълим олган устозларини умр бўйи унутмаган, уларнинг қадри ва ҳурматини жойига қўйган. Шу боисданми, устоз дуосини олган, устозлар изидан борган Махтумқулининг ўзи ҳам устоз муаллим, устоз шоир даражасига эришган улкан сиймодир.

*Ихлос билан бир устозга қўл берган,*
*Етар бир манзилга, етмайин қолмас.*

Шоирнинг ушбу сатрлар билан бошланувчи машҳур пандномаси миллионлар қалбига маърифат нурини сочгани шубҳасиз. Махтумқулининг бундай ҳаётбахш ўгитлари бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Истиқлол йилларида юртимизда ёшларни комил инсон қилиб тарбиялаш, дунё андозалари даражасида таълим бериш, илм берган устоз-муаллимларни қадрлаш, уларнинг машаққатли заҳматларини унутмаслик каби кенг миқёсли ишларни амалга оширишда ўзбек халқи учун ниҳоятда яқин ва қадрдон Махтумқулининг шеърий дурдоналари муҳим манба бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

**Абдуғаффор ХОНОВ**

⊙ Маърифат

***Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ жамиятимиз олдида ёшларнинг таълим-тарбияси, уларда Ватанга садоқат, келажакка ишонч, ижодий меҳнатга қизиқиш туйғуларини қарор топтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Нега деганда бу юртнинг асл фарзанди ўтмишига суяниб, улуғ аждодлари билан фахрланиб, Ватани ва ўзининг келажаги порлоқ бўлишига ишониб яшайди, шунга яраша меҳнат қилади, изланади.***

# Ёшларга зиё улашиб...

Пастдарғом қурилиш технологиялари касб-ҳунар коллежимизда айнан шундай мушоҳада юритадиган, олий мақсадларга интиладиган ёшлар таълим олади. Педагогик жамоамиз асосий эътиборни таълим самарадорлигини ошириш, ўқув юрти моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, билимли, эркин фикрловчи шахсларни тарбиялаш, ўқувчиларни ижтимоий муҳофазалаш масаласига қаратиб келмоқда. Улар шиддат билан ўзгариб бораётган давр талабларига жавоб берадиган кучли мутахассис бўлиш осон эмаслигини яхши тушунишади. Қолаверса, мамлакатимизда қабул қилинган миллий кадрлар тайёрлаш тизими ўқув-тарбия жараёнларини замон талаблари даражасига кўтариш, етук мутахассислар тайёрлашни кўзда тутган. Ўқувчиларни баркамол қилиб тарбиялаш йўлида амалга оширилиши лозим бўлган талаб ва вазифалар анча. Ёшларга самарали ва сифатли билим бериш асосий талаблардан биридир. Бунинг учун замон билан ҳамнафас қадам ташлаш, таълимдаги ҳар бир янгиликдан ўз вақтида хабардор бўлиш, дунёнинг илғор тажрибаларини кузатиб бориш, ҳар бир ўқитувчи ўз устида ишлаши ва ҳамиша изланиши кераклигини тақозо этади. Дарс ва машғулотларни янги педагогик технологиялар асосида ташкил этишга интилиш эса ана шу изланишларнинг бош йўналишидир.

Комиллик, ватанпарварлик, саховат, эзгулик, меҳр-оқибат каби фазилатлар ўзбек халқининг маънавий қадриятлари ҳисобланиши бежиз эмас. Зеро, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол, ақлан етук, жисмонан соғлом бўлиб улғайиши энг аввало, ватан истиқболини белгилайди. Айниқса, бизнинг мустақил юртимиз учун замонавий мутахассислар сув ва ҳаводек зарур.

Яқинда коллежимизда ўтказилган "Ватанпарварлик ойлиги" айнан шундай олий мақсадларни ўз олдига қўйди. Ойлик доирасида "Аждодларга муносиб авлод бўлайлик", "Ватанни асраш — муқаддас фазилат", "Шу азиз ватан барчамизники", "Мардлар қўриқлайди ватанни" каби мавзуларда учрашув, давра суҳбатлари, иншолар танлови бўлиб ўтди.

Инсонда ақл, фикр, тафаккур, ҳис-туйғу доимий ўзгаришда бўлганлиги каби унинг маҳсули сифатида маънавият ҳам янгиланиб туради. Бугун замонавий илм масканларида келажак эгалари камол топаяпти. Жонажон мамлакатимиз истиқбол сари дадил қадам қўяр экан, таълим-тарбия иши ва миллий кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштиришни ўзининг асосий мақсадларидан бири деб ҳисоблайди.

**Ғулом ШОМИРЗАЕВ,**
**Пастдарғом қурилиш технологиялари касб-ҳунар коллежи директори, техника фанлари номзоди**

⊙ Нашр

# Сайлов ва сиёсий партиялар

**"Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари" журналининг янги сони Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловолди жараёнларга бағишланди**




Кўппартиявийлик асосида мунтазам ўтказилаётган сайловлар мамлакатимиз Конституциясида фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи кафолатланганининг ёрқин ифодаси бўлиб, бу уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, жамият ва давлат бошқарувидаги ролини оширишга хизмат қилмоқда. Шу маънода, журналнинг дастлабки саҳифалари "Мустақиллик ва сиёсий партиялар" рукни учун ажратилган бўлиб, уларда юртимизда мавжуд партиялар, уларнинг жамиятда тутган ўрни ва аҳамияти холисона очиб берилган. Жумладан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Сарвар Отамуратовнинг "Истиқлол — миллий тикланиш ва юксалиш имконияти" мақоласида истиқлол йилларида юртимизда олиб борилган туб ислоҳотлар моҳияти, партия фаолиятининг бош мезони, ғоя ва мақсадлари йўлида амалга оширилаётган ишлар, шунингдек, жорий йилнинг декабрида бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик хусусида сўз боради.

"Эркин ва демократик сайловларни ўтказишни таъминлаш" мақоласи сайлов мавзусини давом эттирган ҳолда унинг ҳуқуқий томонларига асосий урғу берилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улуғбек Абдусаломов томонидан сайлов жараёнларидаги халқаро кузатувчилар миссияси, уларнинг вазифалари ҳақида батафсил маълумот келтирилган. Сайлов жараёни билан боғлиқ бошқа бир мақола оммавий ахборот воситаларининг сайлов кампаниясидаги ўрни ва аҳамияти хусусида бўлиб, сайлов жараёнларида иштирок этаётган журналистлар учун асқотиши шубҳасиз.

2014 йил — "Соғлом бола йили" муносабати билан журналда Қарши давлат университети тарих кафедраси катта ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди Гавҳар Мўминованинг "Соғлом бола — юрт келажаги" мақоласи чоп этилган. Мақолада соғлом бола тарбиясида соғлиқни сақлаш соҳаси, хусусан, болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ишини ташкил этишнинг кўлами ва сифати, шу кунгача бу борада қилинган амалий ишлар факт ва рақамлар мисолида очиб берилган.

Бундан ташқари, журнал саҳифаларида "Фуқароларнинг давлат органларига мурожаат қилиш тартиби", "Жиноятчиликнинг олдини олишга кенг жамоатчиликни жалб қилиш масалалари", "Ахборот сиёсати ва инсон омили" деб номланган ҳуқуқий ва ижтимоий мавзуга доир мақолаларни ўқиш мумкин. "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамиятига" рукни остида эса "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш" (Х.Мелиев), "Маҳалла — юксак маънавиятли баркамол авлодни тарбиялаш маскани" (З.Рўзиев), "Маҳалла комиссиялари фаолиятида трансформация жараёнлари" (С.Шодмонова, Т.Аҳмедов) каби мақолалар ўрин олган.

Журналнинг "Анжуманлар, тақдимотлар" рукнида эълон қилинган мақолалар мавзу жиҳатдан ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Уларда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонуний асосларини такомиллаштириш, демократик тараққиётнинг амалий самаралари ўз аксини топган. Шунингдек, "Ижтимоий шериклик: миллий ва хорижий тажриба", "Гендер тенглигига бағишланди", "Депутатларнинг сайловчилар билан иш олиб боришининг ҳуқуқий механизмлари" мавзусида ўтказилган конференция ва давра суҳбатлари атрофлича ёритилган.

**Ўз мухбиримиз**

Реклама

# ФАРҒОНА НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ

*жамоаси*

*Барча юртдошларимизни дилларга меҳр-мурувват, саховат ва эзгулик туйғуларини олиб кирувчи муборак*

## Қурбон ҳайити

*билан табриклайди.*

***Ушбу нурафшон айёмда сизларга оилавий бахт, сиҳат-саломатлик, Ватанимиз равнақи йўлидаги меҳнатингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилайди.***

## ҚАЛБЛАРИМИЗНИ ЭЗГУЛИК ВА ШУКРОНАЛИК АСЛО ТАРК ЭТМАСИН!



Реклама

**“ШИМОЛГАЗТАЪМИНОТ” УК ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ШАҲАР ВА ТУМАНГАЗ ФИЛИАЛЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ ВА УРГАНЧ ШАҲАРГАЗ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**



Барча илм-маърифат фидойиларини, устозларни

**1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни**

муносабати билан қутлайди.

**Келажагимиз эгалари бўлган ўғил-қизларимизни маънан етук, жисмонан соғлом, юртимизнинг садоқатли фарзандлари этиб тарбиялаш йўлидаги шарафли меҳнатингизда улкан зафарлар ёр бўлсин!**



**БАЙРАМ МУБОРАК!**

Рангин дунё

# Порше музейи



***Германия автомобиллари ўзининг сифати билан дунёга танилгани сир эмас. 1976 йили Порше музейининг очилиши мамлакат автосаноати шуҳратини янада оширди. Автомобилларга бўлган катта қизиқиш туфайли Германияда соҳага оид музейларнинг бир нечтаси очилди. Ана шундай музейлардан бири Штутгарт шаҳрида жойлашган бўлиб, Порше концерни тарихи, унинг илк маҳсулотлари бўлмиш нодир автомобиллар ҳақида ҳикоя қилади.***

Концерн автомобиллари унинг асосчиси Фердинанд Порше шарафига қўйилган. 1931 йилда Штутгарт шаҳрида фаолият бошлаган компания афсонавий “Фольксваген-қўнғиз” автомобили билан шуҳрат қозонди. 1948 йилдан бошлаб, компаниянинг дастлабки спорт машиналари ишлаб чиқарила бошланган. Фердинанд Поршедан кейин бошқарув унинг ўғли Ферригa топширилди. Порше автомобиллари Штутгартнинг Цуффенхауз районида ишлаб чиқарила бошлангани боис, айнан шу ерда музейнинг янги биносини бунёд этиш ғояси туғилади. Сабаби, 1976 йилдан буён фаолият юритиб келган музей биноси анча эскириб, автомобиллар учун торлик қилиб қолганди. 2004 йили концерн бошқаруви томонидан Порше музейига янги бино ажратиш ғояси маъқулланди. 2005 йилнинг декабрида бошланган қурилиш ишлари ниҳоясига етгач, музейнинг тантанали очилиш маросими 2009 йил 31 декабрида бўлиб ўтди.

Музейнинг янги биноси ҳар томонлама пухта ва пишиқ ишлаган бўлиб, унинг бағрида жойлашган автомобиллар худди кўкка интилаётганга ўхшайди. Иншоот конструкциясининг оғирлиги 35 тонна бўлишига қарамай, уни бор-йўғи учта V-шаклидаги устун ушлаб туради. Поршеплац майдонининг кўрки бўлмиш музей Порше заводининг ёнгинасида жойлашган. Музей майдони 56 минг квадрат метрни ташкил қилади. Қурилиш чоғида 21 минг куб метр бетон кетган бўлса, пардозлаш ишларида 40 дан зиёд компания иштирок этишига тўғри келган. Лойиҳа рўёби учун 100 миллион евро атрофида маблағ сарфланган. Ҳар йили автомобиллар музейига 200 мингдан зиёд томошабин ташриф буюришини инобатга олсак, лойиҳа бесамар кетмагани аниқ.

Шу кунгача Порше музейи коллекцияларида 500 дан ортиқ экспонат сақлаб келинмоқда. Бу ерда қадимий автомобиллардан тортиб, замонавийларигача учрайди. Уларнинг сони йил сайин ошишда давом этаётир. Айрим экспонатлар орасида яқиндагина пойгада қатнашган автомобиллар ҳам бор. Бироқ, музейнинг асосий экспонати Porsche 356 ҳисобланади. Ушбу машина Порше концерни томонидан ишлаб чиқарилган илк маҳсулотдир. Музейга ташриф буюрган меҳмонларнинг аксарияти айнан шу автомобиль тарихига катта қизиқиш билан қарайдилар.

Бир нечта мавзуга ажратилган ранг-баранг кўргазмалар ҳақида музейга киришингиз заҳоти билиб оласиз. Музей учта асосий — “Porsche ғояси”, “Мавзуга оид кўргазмалар” ҳамда “Маҳсулот тарихи” бўлимларидан иборат. Махсус интерфаол қурилмалар орқали кўргазма залларидаги экспонатлар тўғрисида қисқача маълумот берилади. Шу боис, ҳар ким ўз қизиқишига қараб истаган кўргазмани томоша қилиш ҳуқуқига эга. Мазкур экспозицияларда томошабин автоконцерн тарихи, унинг замонавий моделлари, шунингдек, Porsche автомобиллари ҳақида тўпланган ҳужжат ва маълумотлар билан яқиндан танишиши мумкин.

Порше музейида зерикиб қолмаслигингиз аниқ. Махсус аудиогидлар томонидан уч тилда музей бўлимларидаги экспонатлар хусусида батафсил изоҳ берилади. Ҳақиқатдан-да бу ердаги моделлар ҳақиқий автомобиль ишқибозларни бефарқ қолдирмайди. Зеро, музейдан саксондан ортиқ энг зўр, дунёга донғи кетган енгил ва пойга автомобиллари жой олган. Porsche-356, 550, 911 ва 917 моделлари ана шундай номдор машиналардир.

Бир сўз билан айтганда, Порше музейи автомобиль ишқибозлари учун хазинанинг ўзгинаси. Фақат унда дуру жавоҳирлар эмас, неча-неча инсонлар орзу қилган, моҳир пойгачиларнинг мағлубият ва ғалабасига шерик бўлган ноёб автомобиллар сақланади.

**Зафар МУҲАММАД**



Конференция

## Баркамол авлод тарбияси йўлида

**Республика болалар кутубхонасида 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан “Таълим ва тарбия уйғунлиги — баркамол авлодни шакллантиришнинг муҳим омили” мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.**

Анжуманда таълим тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, ислоҳотлар, ўқув юртларида устоз ва мураббийларни ҳар томонлама рағбатлантириш, тизимда таълимнинг сифат ва самарадорлигини кўтариш йўлида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида фикр юритилди.

Таъкидланганидек, ҳозирги кунда халқ таълими тизимида 390105 нафар ўқитувчи фаолият кўрсатмоқда. 1992-2014 йиллар давомида Халқ таълими вазирлиги тизимида жами 3594 нафар устоз ва мураббий турли давлат мукофотлари, унвонлар билан тақдирланган. Тизимда уларнинг юқори даражада касб маҳоратига эга бўлиши, қайта тайёрлаш ва малака ошириши, масофавий таълимга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масофадан ўқитишнинг таянч ўқув режа ва дастурлари йилдан-йилга такомиллашиб бораётир. Ўтказилаётган кўрик-танловлар орқали ижодкор, ташаббускор педагоглар тажрибаси оммалаштирилмоқда.

Матбуот анжуманида таълим соҳасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларнинг тараққий этган давлатлардаги тенгдошлари билан тенг рақобатлашишига замин яратаётгани таъкидланди, журналистларнинг саволларига жавоб қайтарилди.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

Огоҳлик

## Қурилиш объектлари

**хавфсизлигини таъминлаш ҳар биримиздан алоҳида масъулият талаб этади**

***Мамлакатимизда ёнғинлар сонини камайтиришга доир ишлар изчиллик билан амалга оширилаётган айни кунларда ҳар биримиздан алоҳида масъулият талаб этилади. Айниқса, қурилиш объектлари хавфсизлигини таъминлаш, товар-моддий бойликлари, фуқаролар ҳамда ташкилотлар мулкини сақлаб қолиш ишлари самарали йўлга қўйилсагина ёнғин ҳолатларининг олдини вақтида олган бўламиз.***

Айни пайтда ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ходимлари аҳоли ўртасида кўчалар, мавзе, турар-жой ва майдонларда йиғилиб қолган хазонларни ёқиб юбормаслик, ёш болаларни уй ва кўчаларда назоратсиз қолдирмаслик, ёнғинга сабаб бўлувчи воситалардан фойдаланмаслик борасида мунтазам тарғибот ва тушунтириш ишларини олиб боришмоқда. Зеро, биргина эътиборсизлик, кўча ва хиёбонларда уюм-уюм бўлиб ётган хазонлар устига сигарета қолдиқларини ташлаш, қурилиш давом этаётган бино, уй-жойлар атрофига хазон ва баргларни йиғиб қўйиш, уларни ёқиш, махсус ажратилмаган ҳудуд ва ётоқ жойларида сигарет чекиш каби ҳолатлар ёнғинга сабаб бўлиши мумкин.

Шундай экан, барчамиз хонадонимиз, иш жойимиз ва ҳатто, кўча-кўйда ҳам ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилсак, ўзимиз ва фарзандларимизни, мол-мулкимизни ўт балосидан сақлаган бўламиз. Бундай ҳолатларнинг юзага келишига йўл қўймаслик, аҳолининг бу борадаги ҳушёрлигини ошириш, турар-жойлар ва халқ хўжалиги иншоотларида ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларда соҳа мутахассисларига кўмак бераётган фуқароларимизга алоҳида миннатдорлик билдириб қоламиз.

**Элшод ФАДХУДИНОВ,**
**Яккасарой тумани ИИБ ЁХБ инспектори, сержант**

Туризм



# Сайёҳлик индустрияси

**мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожида алоҳида ўринга эга**

UNWTO

***Бугун Самарқанд яна бир бор дунё ҳамжамияти нигоҳида. Кўҳна шаҳарда БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси иш бошлайди. 30 дан ортиқ мамлакатдан 120 нафарга яқин сайёҳлик индустрияси вакиллари қатнашадиган мазкур анжуман жорий йилнинг 3 октябрига қадар давом этади.***

Бугунги кунда туризм дунё иқтисодиётининг жадал ривожланиб бораётган тармоқларидан бири ҳисобланади. Ушбу соҳа жаҳон миқёсида ҳатто озиқ-овқат, товар ва хизматлар экспорти, автомобиль, кимё ва электроника саноатини ҳам ортда қолдирмоқда. Ҳозир сайёрамизда 195 миллион киши ёки иш билан банд бўлган аҳолининг 8 фоизи туризм соҳасида меҳнат қилаётир. Жаҳон сайёҳлик ташкилоти маълумотларига кўра, йилдан-йилга сайёҳлар оқими ўртача 4-5 фоизга ортиб бораяпти. Буни Ўзбекистон мисолида олиб қарайдиган бўлсак, ўтган 2013 йил якунлари бўйича юртимизга 2 миллион 28 минг 620 нафар хорижликлар ташриф буюрган. Бу 2012 йилги натижаларга қараганда 82 минг нафар кўп демак. Улардан 600 минг нафарига туристик фаолият субъектлари томонидан хизмат кўрсатилди ва бу кўрсаткич 2003 йилга нисбатан икки баробарга ортди. Айниқса, Шарқий Осиё, Тинч океани минтақаси ва Европа мамлакатларидан келаётган сайёҳлар кўпчиликни ташкил этган.

Юртимиз бой тарихи, жаҳон тамаддуни ва илм-фани ривожига қўшган беқиёс ҳиссаси, кўҳна тарихий-меъморий, маданий ёдгорликлари ва бутун дунё тан олган алломалари, жаҳонгирлари, меҳмондўст халқи билан жаҳон ҳамжамиятини ўзига қаратиб келмоқда. Ўзбекистон сайёҳлик кўлами ва тарихий қадамжоларининг кўплиги бўйича дунёдаги етакчи ўнта мамлакатдан бири ҳисобланади. Ҳозир юртимизда етти мингдан зиёд тарихий ва маданий ёдгорликлар бўлиб, 140 таси ЮНЕСКО томонидан муҳофаза этиладиган тарихий ёдгорликлар қаторига киритилган. Уларнинг аксарияти қайта тикланди, таъмирланди, атрофи ободонлаштирилди.

Мамлакатимизда туризм соҳаси истиқлол йилларида чинакам ривожланиш йўлига тушди, десак хато бўлмайди. Муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида туризм саноатини ривожлантириш, меҳмонхона, хизмат кўрсатиш соҳаси, транспорт-коммуникация тизимларини замон талаблари даражасида такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Янги дам олиш масканлари, сайёҳлик йўналишларининг ташкил қилиниши, хорижликлар оқимининг сезиларли ошишига, туризм бозорида Ўзбекистон имкониятларининг ортишига хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз Жаҳон сайёҳлик ташкилотига 1993 йилда аъзо бўлган. Мазкур ташкилот билан ҳамкорликда мунтазам иш олиб борилади. Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Ипак йўлидаги туризм" Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси бунинг исботидир. Мазкур ярмарка етук мутахассислар томонидан халқаро туризм кўргазмалари орасида илғор халқаро тадбир даражасида баҳоланиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Жаҳон сайёҳлик ташкилоти томонидан эътироф этилди. 2014 йил октябрь ойида Тошкент шаҳрида мазкур кўргазманинг навбатдагисини ташкил этиш режалаштирилган.

"Ўзбектуризм" Миллий компанияси матбуот хизматидан олинган маълумотга кўра, бугунги кунда Ўзбекистонда 983 та сайёҳлик ташкилоти фаолият юритмоқда.



Уларнинг 543 таси туроператорлик ва агентлик мақомида. 440 та турли мулкчилик шаклидаги меҳмонхона ва меҳмонхона даражасидаги бинолар фаолият кўрсатиб, қамрови 30 минг ўриндан ошди. Охирги саккиз йилда ўн уч мингдан зиёд сайёҳларни қабул қилиш имконига эга 300 дан ортиқ хусусий меҳмонхоналар ўз фаолиятини бошлади. Сайёҳларни муносиб кутиб олиш учун барча замонавий қулайликлар яратилиб, меҳмонхоналар тармоғи тараққий этди. Сайёҳларга хизмат кўрсатишнинг жаҳон стандартлари даражасида шароитлар яратилди.

Туризм инфраструктураси ва туристик хизматлар кўрсатиш даражасини ошириш борасида амалга оширилган ишлар натижасида Ўзбекистон Туризм ва сайёҳлик бўйича Бутунжаҳон кенгаши (WTTC) томонидан туризм соҳаси жадал ривожланиб бораётган илғор бешталикдан ўрин олди.

2013 йилдан бошлаб "Ўзбектуризм" миллий компаниясининг янги кўринишдаги Welcome Uzbekistan веб-портали иш бошлади. Ундан юртимизнинг тарихий обидалари, сайёҳлар учун кўнгилочар масканлар, туристик йўналишлар, гидлар, таржимонлар, сайёҳлик қонунчилиги, тарих, география, иқлим, халқ ҳунармандчилиги, маданият, урф-одатлар, набобот ва ҳайвонот дунёси, музейлар, ресторан ва бошқа зарур маълумотларни билиб олиш мумкин.

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб буюк аждодларимиз меросини ўрганиш ва тадқиқ этиш, улар номи билан боғлиқ муқаддас қадамжо ва тарихий обидаларни обод қилиш, асраб-авайлашга асосий эътибор қаратилди. Хусусан, Самарқандда Имом Бухорий, Абу Мансур Мотуридий, Хўжа Аҳрори Вали, Амир Темур, Мирзо Улуғбек сингари улуғ зотлар қўним топган гўшалар ободонлаштирилди. Президентимиз ташаббуси ва тавсиялари асосида Мирзо Улуғбек расадхонаси ва ҳайкали тубдан таъмирланиб, замонавий қиёфа касб этди.

Шу боисданми кўҳна шаҳарнинг бугунги жозибаси, унинг бетакрор обидалари жаҳон сайёҳларини бефарқ қолдирмаяпти. Вилоятда туризмни ривожлантиришнинг янги босқичи бошланиб, айни пайтда ушбу фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган 70 дан ортиқ сайёҳлик фирмалари ҳамда 90 га яқин меҳмонхоналар фаолият кўрсатмоқда.

— Вилоятда туризмни ривожлантириш ҳудудий дастури ишлаб чиқилган, - дейди "Ўзбектуризм" миллий компанияси Самарқанд минтақавий бўлими раҳбари Илҳом Сувонов. — Унга мувофиқ вилоятда туристик ресурслардан оқилона фойдаланиш, туризм соҳасида кўрсатилаётган хизмат турларининг сонини кўпайтириш, уларнинг сифатини ошириш, вилоятда туристик имкониятлардан унумли фойдаланиш, экологик, тиббий ва агротуризм йўналишларини ривожлантириш, вилоятнинг туризм инфратузилмасини янада такомиллаштириш, ички туризмни йўлга қўйиш, соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг тажрибасини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилади.

Вилоятга ташриф буюраётган хорижий меҳмонларга шаҳар ва туманларда фаолият кўрсатаётган ҳунармандлар маҳсулотлари ҳамда халқ амалий санъати асарларини намойиш этиш мақсадида Регистон ансамблининг "Тиллакори" мадрасасида Республика "Ҳунарманд" уюшмаси Самарқанд вилоят бошқармасининг "Доимий ишлайдиган халқ амалий санъати асарлари ва ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси" ташкил этилган. 2015 йилдан бошлаб Самарқанд вилоятининг туристик — экскурсион харитасини яратиш кўзда тутилган.

Бугунги кунда вилоятда фаолият кўрсатаётган туристик фирмалар дунёнинг Лондон, Берлин, Мадрид, Милан, Токио, Шанхай, Сеул, Москва каби йирик шаҳарларида ташкил этилаётган ярмаркаларда фаол иштирок этиб, республикамизга кўпроқ хорижий сайёҳларни жалб этишда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқда.

Вилоятга ташриф буюраётган туристлар сони ва уларни Самарқандда қолиш даврини янада узайтириш мақсадида вилоятда туризмнинг экологик, тиббий — соғломлаштириш, спорт, агро ва геотуризм каби турларини ривожлантириш мақсадида вилоятнинг Ургут тумани "Юқори чинор", "Минг арча" дам олиш маскани, Самарқанд туманининг Оҳалик ва Миронкўл қишлоқлари ҳудуди, Нуробод туманининг Оқсой қишлоғидаги "Ҳазрати Довуд" зиёратгоҳи, Нурбулоқ қишлоғидаги "Нурбулоқ" сиҳатгоҳи, Жомбой туманидаги "Зарафшон" қўриқхонаси ҳамда Пахтачи туманидаги "Добусия" қалъаси бўйлаб янги йўналишлар ташкил қилинади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Дастури ва сайловолди Платформасида маънавий бойлигимиз ва халқимиз тарихий меросини тарғиб қилишнинг усули сифатида туризмни ривожлантиришга кўмаклашиш масаласи устувор вазифа сифатида белгиланган. Бу борада қатор лойиҳалар амалга оширилиб, парламент эшитуви, депутатлик сўровлари, давра суҳбатлари, учрашув ва тадбирлар ташкил этилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ташаббуси билан ташкил этилган парламент эшитувида "Ўзбектуризм" Миллий компанияси раисининг "Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари амалга оширилишининг бориши тўғрисида"ги ахбороти тингланди. Халқ депутатлари Хазорасп туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи ташаббуси билан ҳудуддаги Сулаймон қалъада қайта тиклаш ишлари бошланиб, туристик маршрутга киритилгани, Чортоқ ва Вобкент туманларида тарих музейларининг ташкил этилгани ҳамда қатор туман ва шаҳарларда депутатларимиз ташаббуси билан сайёҳларни ўзига жалб этувчи ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазма-савдосини ташкил этувчи расталарнинг йўлга қўйилгани эътирофга лойиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида"ги қарори ҳамда "Туризм тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларидан келиб чиқиб, ҳудудларда амалга оширилаётган ишларнинг аҳволи ҳақида халқ депутатлари Бухоро, Жиззах, Навоий, Сурхондарё вилоят Кенгашлари сессияларига партия гуруҳлари томонидан олиб чиқилаётган ташаббус-масалалар соҳа ривожига хизмат қилмоқда.

Йўл-йўлакай Самарқандга келган, унинг қадимий обидалари билан танишаётган, юз-кўзларида ҳайрат нишоналари балқиб турган сайёҳлар томон юзланамиз ва уларнинг таассуротлари билан ўртоқлашамиз.

***Миги Канн (Исроил):***

— Самарқандга биринчи бор келишим. Шаҳрингизни бундай гўзал ва жозибали деб ўйламагандим. Бу ердаги тарихий обидалар ўзининг мафтункор ва нафис нақшлари билан Марказий Осиё мамлакатларидаги бошқа обидалардан кескин ажралиб туради. Регистон ансамбли доимо сайёҳлар билан гавжум эканлиги мени ҳайратга солди. Ўзбек халқининг бой тарихини акс эттирувчи ноёб ёдгорликлар асраб-авайланиб, яхши сақланаётгани ҳар қанча эътироф ва таҳсинга лойиқ. Тошкент, Бухоро, Хива каби бошқа қадимий шаҳарларингизда ҳам бўлдик. Энг муҳими, юртингиздаги тинчлик ва осойишталик, халқингизнинг бағрикенглигига ҳавасимиз келди.

***Мария Ноел (Франция):***

— Буюк Амир Темур салтанатининг пойтахти бўлган Самарқандга боришни ёшлигимдан орзу қилардим. Мана орзуим ушалди. Ўзбек халқининг хушфеъл ва меҳмондўстлигини унутмайман. Миноралар, мадраса ва масжидлар ўзининг улуғворлиги билан ҳар бир инсонни ҳайратга солади. Айниқса, ўзбек миллий матолари ўзининг ранг-баранглиги ва бетакрорлиги билан ажралиб туради. Хусусан, дунёга машҳур ўзбек атласидан тикилган либослар мени ўзига ром этди.

***Жан Френкел (Италия):***

— Дўстларим билан Тошкент, Бухоро шаҳарларида бўлиб, кўпгина тарихий обида, меъморий ёдгорликларни томоша қилдик. Ҳар бир обида ўзига хослиги ва бетакрорлиги билан бир-биридан ажралиб туради. Дунё аҳлини мафтун этадиган осори атиқалар, муқаддас қадамжолар, сўлим масканлар жуда кўп экан. Самарқанд бозорларидаги ноз-неъматларни кўрган кишининг кўзи қувнайди. Сарҳил мевалардан татиб кўриб, бу жаннатий юртга ошуфта бўлдим. Айниқса, дунёга машҳур Самарқанд нонларининг таърифига тил ожиз. Келгусида оилам билан келишни ният қилдим ва Самарқанд тарихини ўрганишни кўнглимга тугиб қўйдим.



**Эркин ДОРИПОВ,**
**Ориф ХОЛИҚУЛОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбирлари**

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

## Қувват мева

**Анор қадим замонлардан бери шифобахшлиги боис эъзозланиб, меваларнинг султони ҳисобланган. Юзга яқин тури мавжуд мева органик кислоталар, витаминлар, шунингдек, микробларни йўқ қилувчи моддаларга ниҳоятда бой.**



Анорнинг асосан пояси, шохи, гули, илдиз пўстлоғи ва меваси даво сифатида қўлланилади. Халқ табобатида анор шарбатидан асабларни тинчлантиришда кенг фойдаланилган. Анор гулларидан тайёрланган дамлама ёрдамида ичбуруғ, милкларнинг шамоллаши даволанган. Анор гулларининг қуритилган кукуни эса турли жароҳатларни тузатиш хусусиятига эга. Бугунги кунда анор ёрдамида кўпгина бошқа касалликлар ҳам даволаб келинмоқда. Масалан, қондаги гемоглобин миқдорини ошириш учун — ярим пиёла анор, хом лавлаги, қизил сабзи шарбатига бир ош қошиқ асал солиб, аралаштириб наҳорга ичилса, кутилган самарани беради. Хафақон касаллигида аччиқ ва нордон анор сувини тенг миқдорда олиб, 15 кун 3 маҳал 50 граммдан ичиш лозим. Қувват бўлиши учун — аччиқ анор сувини 10 кун 3 маҳал оч қоринга 50 граммдан истеъмол қилинади. Анор шарбати радиактив моддалар ва компьютер билан ишлайдиганларга, жарроҳлик амалиётини ўтаганлар учун ҳам тавсия этилади. Ангина, стоматит, гингивит ва бошқа оғиз бўшлиғи хасталикларида — анор пўстидан тайёрланган дамлама ёки шарбат билан оғиз чайилса яхши самара беради. Шунингдек, анор шарбатини камқонлик, атеросклероз, бронхиал астма, қандли диабет касалликларида истеъмол қилиш тавсия этилади. Анор ҳомиладор аёллар учун ҳам фойдали бўлиб, туғилажак боладаги юрак хасталиклари, бош мия нуқсонларининг олдини олади. Асабийлашиш, хавотир, уйқусизликда анор меваси орасидаги пардани қуритиб гиёҳли чойга қўшиб ичиш лозим бўлади.

БИЛАСИЗМИ?

Тадқиқотчиларнинг фикрича, телефонда фақат рост сўзлашга ўрганган инсон ёлғончиларга қараганда ўзини анча тетик ва соғлом ҳис қилади.

* * *

Халқаро астрономлар гуруҳи Ер сайёрасидан 124 нур йил узоқликда жойлашган "Сув дунёси" (GJ1214b) номини олган янги сайёрани кашф этишди.

ТУРФА ОЛАМ

## 200 йиллик қўлёзма

**БУДАПЕШТ (ВЕНГРИЯ) ШАҲРИДА МАШҲУР КОМПОЗИТОР ВОЛЬФГАН АМАДЕЙ МОЦАРТНИНГ №11-СОНАТАСИ ЁЗИЛГАН ҚЎЛЁЗМА АСЛИЯТИ ТОПИЛДИ.**



Шу кунгача йўқолган, деб келинган мусиқий асарнинг тўрт бети Сечени миллий кутубхонаси сақловхонасидан чиққан. Қўлёзманинг бешинчи бети эса ҳозирда Зальцбургдаги Моцарт музейида сақланмоқда. Кўпчиликка "Турк услубидаги рондо" номи билан танилган асар мутахассислар томонидан синчиклаб ўрганилгач, ҳақиқатдан ҳам улуғ композитор қаламига мансублиги тасдиқланди. Айишларича, Моцарт ҳуснихати олимларнинг барча шубҳаю гумонларига чек қўйган. Катта шов-шувга сабаб бўлган асар яқин орада ўзининг асл макони — Моцарт музейига қайтарилади. №11-соната (ля мажор) фортепиано учун ёзилган асар бўлиб, 1783 йили яратилган. Асар уч қисмдан иборат бўлишига қарамай, унинг фақат учинчи қисмигина мухлислар томонидан шу чоққача севиб тингланади.

## Ҳашамдор мотоцикл

**ФРАНЦУЗ ИХТИРОЧИСИ ЯСАГАН МОТОЦИКЛ ҲАШАМДОРЛИК БЎЙИЧА ДУНЁДА БИРИНЧИ БЎЛИШИ КУТИЛМОҚДА.**



Midual — ҳар жиҳатдан ҳашамдор мотоцикл бўлиб, Нант шаҳрида унинг муаллифи Оливье Миди томонидан омма эътиборига ҳавола этилди. Икки ғилдиракли аппарат энг сўнгги техник мосламалар билан жиҳозланган бўлиб, уни ясаш учун нақд 20 йил вақт керак бўлган. Мотоцикл икки цилиндрли юзаси текис двигатель, алюминдан ишланган яхлит корпус, беҳисоб чарм детал ва аксессуарларга эга. Ишланма муаллифининг айтишича, бундай мотоциклнинг ҳар битта детали ўта заргароналик билан ишланган. Тезлик борасида ҳам оддий мотоцикллардан устун туради. Шу боис, бундай мотоцикл катта тезликни хуш кўрувчилар учун битмас-туганмас ҳиссиётларни ҳадя этиши тайин.

**З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади**

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
ҲОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Нозим ҲАБИБУЛЛАЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ғафуржон МУХАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Жалолиддин САФОЕВ, Ахтам ТУРСУНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ
Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: Исмат ХУДОЁРОВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 1025, Адади — 6176. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Муҳтарама КОМИЛОВА
Навбатчи: Дилфуза РЎЗИЕВА
Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ
Электрон почта: e-mail: mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 22.30.
ISSN 2010-7714
1 2 3 4 5